

РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР ИЖТИМОИЙ  
МОСЛАШУВИ МАРКАЗИ

НАЗАРОВА ДИЛДОРА



**ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА  
ЗАИФ ЭШИТУВЧИ БОЛАЛАР  
ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**




74.35

H 18

РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР ИЖТИМОЙ МОСЛАШУВИ  
МАРКАЗИ

НАЗАРОВА ДИЛДОРА

**ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА  
ЗАИФ ЭШИТУВЧИ БОЛАЛАР ТАЪЛИМ-  
ТАРБИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**



«COMPLEX PRINT» nashriyoti  
Тошкент  
2020

**УЎК 364.694-787.4:377**

**КБК 65.272**

**Н 18**

Назарова, Дилдора.

Инклюзив таълим муассасаларида заиф эшитувчи болалар таълим-тарбиясини ташкил этиш технологиялари [Матн] : монография / Д. Назарова - Тошкент : Complex Print, 2020. - 84 б.

**Тақризчилар:**

**Нуркелдиева Дилбар Аҳмадовна**  
педагогика фанлари номзоди, доцент

**Мамаражабова Зулфия Норбаевна**  
филология фанлари номзоди, профессор

Педагогика фанлари доктори, профессор **Мўминова Лола Рахимовна** таҳрири остида

Монография Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг БФ-1-001 ракамли фундаментал лойиҳаси асосида тайерланган. Монографияда Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган болаларга курсатилётган ғамхўрлик, уларнинг барча болалар каби ўз оиласида камол топиши, сифатли таълим олишдаги ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида инклюзив таълимни ташкил этишга оид турли масалалар: ногиронликка замонавий ёндашувлар, таълимнинг турли моделлари ўртасидаги фарқли жиҳатлар, ерданга муҳтож ўқувчиларни инклюзив таълимга муваффақиятли жалб этиш йўли ва воситалари, ташкил этиш босқичларининг назарий ва амалий жиҳатларини такомиллаштириш масалалари ёритилган, инклюзив таълим муассасаларида заиф эшитувчи болалар таълим-тарбиясини ташкил этиш технологиялари очиқ берилган.

Мазкур монография Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ҳузуридаги Илмий-услубий кенгашнинг 2919 йил 3 декабрдаги 3-сонли қарорига асосан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-5853-8-6

© «COMPLEX PRINT» nashriyoti, 2020

© НАЗАРОВА Д, 2020

## КИРИШ

Хар қандай давлат сиёсатининг инсонпарвар тамойилларга асосланиши, жамиятда аҳолининг ногирон ва ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига яратилган шарт-шароитлар, уларнинг эркин, фаровон яшаши учун керак бўлган барча соҳадаги қўллаб-қувватланишлари билан белгиланади. Алоҳида ёрдамга муҳтож бўлган болаларнинг таълим олиш жараёнини ислох қилиб бориш, ривожланиш даражасидан катъий назар, ҳар бир давлат ва жамият олдида турган масаладир. Уларнинг ижтимоий ҳаётда муносиб тарзда ўз ўрнини топиши, бевосита иштирок этиши учун таълимни тўлақонли ўзлаштириши ҳамда унинг замирида муайян касб-ҳунарни эгаллай олиш лозим. Оддий шароитларда, умумий таълим тизимида камол топган, тиббий жихатдан “ногиронлик” мавқеига эга ўқувчилар олган таълимнинг даражаси уларнинг ижтимоий реабилитацияси, мослашуви ҳамда жамият ҳаётига самарали уйғунлашувининг муваффақиятига бевосита таъсир кўрсатади. Яъни мазкур таълим тизими шароитида билимларни эгаллаган, ижтимоий ҳаётда яшаш учун зарурий саналган кўникмалар ва касб-ҳунарни эгаллаган ҳар қандай ногиронлиги бўлган шахс ўзгаришлар жараёнига тез ва қулай мослашиб, шахсий ва оиласининг ҳаётини фаровонлаштириши орқали мамлакат аҳолиси турмуш даражасининг юқорилашувини таъминлайди. Шу жихат билан боғлиқ ҳолда таълим муассасаларининг бугунги вазифаси алоҳида ёрдамга муҳтож ўқувчиларни ўз оиласи, маҳалласида ўсиб камол топишига қулай шароит яратиб бериш орқали замонавий билимлар, ҳаётга тўсиқларсиз уйғунлашиб кетишининг омили саналган ижтимоий малакалар билан қуроллантириш, мустақил равишда фаолият кўрсата олишга ўргатишдан иборат этиб белгиланмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ҳар бир боланинг яшаш, ривожланиш, иштирок этиш, ҳимояланишида тенг ҳуқуқлилиги кафолатланиши белгиланган. Жумладан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича “Ҳаракатлар

стратегияси”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5270-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармонида жамиятнинг ажралмас қисми бўлган ногиронлиги бўлган шахсларнинг яшаши, жумладан, уларнинг барча болалар каби бекаму-қўст камол топиши, таълим-тарбияси давлат аҳамиятига эга бўлган вазифа сифатида қаралиб, бу борада ҳамжамият иштирокчиларининг яқдиллиги муҳимлиги инобатга олинган ҳолда бажарилиши лозим бўлган йўналишдаги ишларга оид тадбирлар белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида ногиронлиги бўлган болаларга сифатли таълим бериш бораси амалга оширилиши лозим бўлган ишлар қўламини янада кенгайтириш, алоҳида эҳтиёжли болаларни умумтаълим муассасаларига жалб қилиш йўл ва воситаларини илмий-назарий жиҳатдан асослаш, инклюзив таълимнинг мазмуни ва моҳиятини таълим тизимида фаолият кўрсатаётган раҳбар ва педагог ходимлар жамоасига етказиш, тарғибот ишларини олиб бориш белгиланди.

Монографияда мамлакагимизда ногиронлиги бўлган болаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, уларнинг барча болалар каби ўз онласида камол топиши, сифатли таълим олишдаги ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида инклюзив таълимни ташкил этишга оид масалалар: ногиронликка замонавий ёндашувлар, таълимнинг турли моделлари ўртасидаги фарқли жиҳатлар, ёрдамга муҳтож ўқувчиларни инклюзив таълимга муваффақиятли жалб этиш йўл ва воситалари, ташкил этиш босқичларининг назарий ва амалий жиҳатларини такомиллаштириш масалалари ёритилган, инклюзив таълим муассасаларида заиф эшитувчи болалар таълим-тарбиясини ташкил этиш технологиялари очиб берилган.

# **I БОБ. ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ВА МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

## **1.1. Инклюзив таълим сиёсатининг жаҳон миқёсида ҳуқуқий-меъёрий, назарий ва амалий жиҳатдан асосланиши**

Яқин ўттиз йиллар оралиғида ногиронлиги бўлган болалар таълим-тарбияси ёпик мавзу ҳисобланиб, улар асосан “ўқитиладиган” ва “ўқитилмайдиган”лар тоифасига табақалаштирилар эди. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятнинг тенгҳуқуқли аъзоси эканлигининг тан олинishi, уларнинг яшаши, жамият ҳаётида иштирок этиши, ўз имкониятларига мос равишда ижтимоий ҳаётга уйғунлашувига бўлган янги муносабатларнинг таркиб топиши таълим тизимига “аномал”, “нуқсонли”, “ақли заиф” каби атамалар ўрнига “ногиронлиги бўлган”, “алоҳида эътиборга муҳтож”, “ақлий ривожланишида муаммоси бўлган”, “ривожланишида четга чиқишлари мавжуд” атамалари кириб келишига асос бўлди. Мазкур ҳолат бундай болаларнинг реабилитация, коррекция, ижтимоий ҳаётга мослашувига ҳамда интеграциялашувлари масалаларига бўлган муносабатларнинг ўзгаришини юзага келтирди.

Сўнги йилларда жаҳон ҳамжамияти томонидан тобора кенг эътироф этилаётган инклюзив таълим ҳар бир боланинг таълим турини танлашида эркинлиги, оилада бўлиш ҳуқуқи, ўз уйи ҳамда маҳалласида камол топиши, барча катори тенг равишда билим олиши кабиларни таъминлашга қаратилган. Уйғун тарзда ташкил этилувчи мазкур таълим жараёни ижодий фикрловчи, илғор метод ва технологияларни, педагогик-психологик диагностика ва педагогик жараённи мустақил лойиҳалаш усулларини қўллай оладиган янги ўқитувчи ва мутахассисларни талаб этмоқда. Инклюзив таълим муассасасининг педагог ходимлар фаолиятини ташкиллаштиришда ўқув, маънавий-маърифий тадбирларни тўғри режалаштира олиши, касбий маҳоратини узлуксиз ошириши учун ўзгариб боровчи замон талабларига тезкор мослашиб боришларини тақозо этмоқда.

Қайд этилган омиллар инклюзив таълим муаммосини тадқиқ қилиш, ногиронлиги бўлган болаларнинг умумий таълим гизимида ўқитилиши жараёнини амалий тажрибаларга таянган ҳолда илмий-назарий жиҳатдан асослаш масаласининг долзарб эканлигини кўрсатмоқда.

Жуда кўплаб давлатларда алоҳида ёрдамга муҳтож болаларни юқори даражада камол топтиришда компенсатор имкониятларни ривожлантириш ҳамда ижтимоий мослаштиришни тўлалигича йўлга қўйиш мақсадида умумтаълим мактабларида таълим бериш илмий ва амалий давлат сиёсати режасига киритилди. Бунинг натижасида 1990 йилда Таиландда ўта муҳим Умумжаҳон Конференцияси бўлиб ўтди. Унда “Таълим ҳамма учун” Умумжаҳон Декларацияси қабул қилиниб, у ҳар бир боланинг тўлақонли ва мукамал таълим олишини кафолатлади ҳамда дунёнинг 155 та давлат ҳукуматлари ва 150 дан ортиқ нодавлат ташкилотлари томонидан қабул қилинди (12).

Жумладан, мазкур Декларацияда қуйидагича баёнот қилинади: “Мактаблар болаларнинг имкониятига қараб эмас, иш сифати ва мактаб таълими сифатига жавоб бериши билан характерланади. Улар қуйидагилардан иборат:

ҳар бир боланинг ҳуқуқи оммавий мактабда таълим-тарбия олишни талаб этади;

ўқитишнинг метод ва методикалари боланинг нуқсонига қараб танланади;

мактабда тўлалигича коррекцион педагогик ёрдам ташкил этилади;

болалар тўғрисидаги қарор комплекс тарзда қабул қилинади;

ҳар бир боланинг шахсий ҳуқуқи кафолатланади;

мактабда интеграция тамойилига ўқув режанинг асоси сифатида қаралади;

инклюзив мактабларнинг моддий таъминоти яхшиланади” (12).

Таниқли психолог ва дефектолог Л.С.Виготский илмий изланишларида умумий ва махсус таълимни уйғунлаштирадиган таълим гизимини ташкил



этиш, яъни махсус ёрдамга мухтож болаларни инклюзив таълим тизимида ўқитишни куйидагича эътироф этади: “Таълим тизими шундай бўлиши керак-ки, бунда махсус ва умумий таълим уйғунлашиб кетиши учун шарт-шароитлар яратилиб, махсус ёрдамга мухтож бола ўқиш жараёнида ҳар томонлама ривожлансин. Маълум-ки, бизнинг махсус муассасаларда таълим-тарбия олувчи ўқувчилар мактаб жамоасининг тор доирасига тушиб қолади. Ижтимоий жамиятда эса хамманинг диққати унинг нуқсонига қаратилади. Нагжада бу болалар ҳақиқий ҳаётдан чеглаштирилади. Ўз ўрнида махсус мактаб болани чегарланган дунёга олиб келади” (4). Шу боис олим нуқсонли болани тарбиялашнинг вазифаси боладаги нуқсонларни компенсация қилиш ва унинг ҳаётга интеграциясини таъминлаш, деб ҳисоблайди (4).

Инклюзив таълим тадқиқотчилари мазкур муаммоларни ўрганиш, ҳал этиш аввалида ногиронликка бўлган ёндашув масаласига ойдинлик киритиш лозимлигини кўрсатадилар (3, 5, 7, 16, 17, 19 ).

Ҳозирги кунда бутун дунёда ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан тиббий ва ижтимоий ёндашув мавжуд бўлиб, ҳар икки ёндашувдаги фарқли жиҳатларни куйидаги жадвалда акс эттирдик.

<b>Ногиронлик масаласига тиббий ёндашувдаги муносабат</b>	<b>Ногиронлик масаласига ижтимоий ёндашувдаги муносабат</b>
“Ногиронлик” масаласи мазкур тоифа болалар ота-оналар ва коррекцион таълим муаммоси	“Ногиронлик” масаласи - шахсий муаммо эмас!
Ногирон шахс ҳеч қачон соғлом инсонга тенглаша олмайди	Жамиятдаги тусиклар кенг камровли ёндашув орқали бартараф этилади
Боланинг аввало норасо эканлигига ургу берилади	Ҳар бир бола кадрли бўлиб, қандай бўлса, шундайлигича қабул қилинади
Ногиронлар алоҳида гамхўрликка эга бўлишлари лозим	Ногиронлиги бўлган шахслар барча фуқаролар сингари тенг хуқуқлидирлар
Ногирон шахсларга доимий равишда му тахассислар кўмаги зарур	Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаётда узини топишларига жамиятдаги тусиклар имкон бермайди
Ногирон болалар ҳаётига таалукли муаммолар тиббиёт, коррекцион таълим тизими орқали ҳал қилинади	Ногиронлиги бўлган шахслар соғлигида муаммоси бўлган инсонларга етиб олишлари шарт эмас



Ташхис асосида иш олиб борилади (болага “тамға” қўйилади)	Тўсиқларни аниқлаш ва муаммоларни ҳал қилиш мақсадида эътибор боланинг кучли томонлари ва эҳтиёжларига қаратилади
Диккат нуксон бартараф этишга қаратилади	Натижага йўналтирилган тадбирларнинг амалга оширилиши
Меъёردаги боланинг ривожланишига етказиб олиш ёки сегрегация қилиниши	Турфалик қабул қилинади. Ҳар бир боланинг инклюзивлашиши
Натижаларнинг баҳоланиши, мониторинг, нуксонлар терапияси	Стандарт хизматларнинг қўшимча ресурслар ёрдамида тақдим этилиши
Жамият ўзгаришсиз қолади	Ҳамжамиятнинг ривожланиши ёки инклюзив жамиятнинг юзага келиши (жамият аъзолари ва бўғинлари иштирокининг жадаллашуви)

Барча инсонлар, уларнинг эркинликлари, тенгҳуқуқли эканлиги тан олинган давлатларда, албатта, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларининг рўёбга чиқарилишига ижтимоий ёндашув асосида муваффақ бўлинмоқда.

“Таълим ҳамма учун” мақсадларини амалга ошириш ва махсус ёрдамга муҳтож болаларнинг тўлақонли мукамал таълим олишларини таъминлаш мақсадида 1994 йилнинг 7-10 июнида Испаниянинг Саламанка шаҳрида ЮНЕСКОнинг мазкур муаммога бағишланган иккинчи йирик Умумжаҳон Конференцияси бўлиб ўтди. Мазкур Конференция “Саламанка Декларацияси ва алоҳида ёрдамга муҳтож болалар таълимининг келгусида ижросини таъминлаш Рамкаси” деб аталиб, шу йили “Саламанка баёноти ва Иш фаолият режаси” номи билан ҳуқуқлар бўйича баёнотлар мазмунини ёритувчи тадбирлар белгиланди. Номланган ҳужжатларнинг етакчи тамойили шундан иборатки, мактаблар барча болаларни, уларнинг жисмоний, ақлий, ижтимоий, ҳиссий, тили ва бошқа хусусиятларидан катъий назар ўқишга қабул қилишлари лозим. Мазкур ҳужжатда таъкидланишича: “Ҳар бир бола таълим олиш ва ўзига мувофиқ даражада билимга эришиш ҳуқуқига эга; маориф тизими ва таълимий дастурлар турли хил хусусият ва эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда тузилиб, шу ишга йўналтирилсин. Махсус ёрдамга муҳтож болалар учун оддий мактабларга бориш имконияти яратилсин.

Махсус ёрдамга мухтож болалар билан ишлаш оддий мактабларнинг иш фаолияти доирасига кирар экан, бу жараён куйидаги мақсадларга эришишнинг энг самарали воситаси бўлиши лозим:

- Ажратиб қуйиш иллатига қарши кураш;
- Дустона инсонпарвар жамоаларни яратиш, ўз таркибига махсус эҳтиёжлари бўлган шахсларни олган жамиятни куриш;
- Барча болаларнинг таълим олишига эришиш” (5);

Бундай мактабларнинг асосий мақсади барча болаларга самарали таълим берибгина колмай, махсус эҳтиёжли болаларга нисбатан инклюзив ва илик муносабатли жамият яратиб, дискриминацион ўзгаришларга бархам беришдир.

Саламанка Баёноти ва Иш фаолияти Режасининг ишлаб чиқилиши жахон микёсида “Таълим ҳамма учун” мазмунидаги таълим сиёсатининг илгари сурилиши, махсус эҳтиёжли болаларни умумтаълим тизими шароитида ўқитишнинг йўлларини белгилаб берди. Аммо бу таълим тизимининг мазмун-моҳиятини янада аниқроқ ва мустахкамроқ ҳуқуқий жиҳатдан асослаш, кагъий белгилаб бериш лозим эди. Шунинг учун ҳам 2000 йилнинг 26-28 апрел кунлари Дакарда таълим тўғрисида халқаро Форум катнашчилари томонидан “Дакар ҳаракат дастури” қабул қилинди. Анжуман иштирокчилари 10 йил аввал қабул қилинган “Таълим ҳамма учун” Халқаро Декларация (12) ни қайта тасдиқлаб, рағификация қилдилар. Дакар ҳаракат дастури “2000 йилга қадар жахон микёсида таълим ҳамма учун амалий фаолиятининг даражасини баҳолаш” мақсадига асосланилди. Бу баҳолашда ҳар бир давлат ўз мамлакаги таълимини барча болалар учун гаъминланганлик режасини таҳлил қилиб чиқиш вазифаси топширилди. Таҳлил асосида ҳар бир давлат 6 та ҳудудий Конференцияларни утказиш давомида 1990-2000 йилларда эришган ютуқларини Джомгъенга етказиб турнш лозим, деб белгиланганлигини кўраимиз:

Юкоридаги 6 та ҳаракат Рамкаси “Таълим ҳамма учун Дакар ҳаракат Рамкаси”ни ташкил этди” (4,12). Шунингдек, Дакар ҳаракат Рамкасига

кирган барча давлатлар 2002 йилга қадар “Таълим – ҳамма учун” режасини мукамал тузиб, 2015 йилга қадар бу таълим тизимини амалиётга тулик жорий этишлари лозим, деб топилди. Яъни ҳаракат Рамкаси таркибига кирувчи давлатларнинг барчаси “Ҳар бир инсон ва ҳар бир жамиятга” шиори остида барча инсонлар ва болалар таълимини тулакони таъминлаш мажбуриятини оладилар. Бу ҳаракат дастурида “Таълим хавфсиз, сифатли, боланинг соғлигини ҳимоя қилиб, мустаҳкамлайдиган, ҳамма учун бирдек, инклюзив тарзда ва барча зарурий ресурслар билан таъминланган бўлиши лозим. Ўқитувчилар савияси ва ўқув режалар “Таълим - барча учун” мақсадларига жавоб бериши керак”, - деб белгиланган (13).

Мазкур ҳаракат Рамкасида четда қолган давлатларда “Таълим ҳамма учун” мақсадларини амалга ошириш ЮНЕСКО томонидан ижроси таъминлана бошлади.

Учинчи минг йиллик арафасида ўтказилган мазкур Дакар Умумжаҳон Конференциясида халқаро ва миллий меъёрий ҳужжатларда эътироф этилган таълим олишдаги тенглик амалда кенг тadbик этилаётганлиги алоҳида таъкидланди. Унда қуйидагича баёнот қилинди:

- Ҳар бир инсон: бола, ўсмир ва катталарнинг ҳар бири таълим олишлари шарт ва бу таълим унинг асосий ўқув имкониятларига эга бўлиши лозим.

2006 йилнинг 13 декабрида БМТ томонидан Ногиронларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция қабул қилинди. Мазкур Конвенция 50 моддани ўз ичига олган бўлиб, унинг асосий мақсади барча ногирон шахслар, жумладан, ногиронлиги бўлган болалар учун инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларидан тулик ҳамда тенг равишда фойдаланишни таъминлашдан иборатдир.

Ушбу Конвенциянинг принциплари (асосий қоидалари) қуйидагилардан иборат:

инсоннинг ажралмас кадр-қимматини, шахсий мустақиллигини, шу жумладан ўз танловини танлаш эркинлигини ва мустақиллигини ҳурмат қилиш:

камситмаслик (барчага бир хил муносабатда бўлиш);  
тўлик ва самарали иштирок этиш ва жамият ҳаётига қўшилиш;  
ногиронларнинг хусусиятларига ҳурмат ва уларни инсон хилма-хиллиги ва инсониятнинг бир қисми сифатида қабул қилиш;

имкониятларнинг тенглиги;

фойдаланиш имконияти (транспорт воситаларига, жойларга ва маълумотларга бепул кириш ва ногиронлик сабабли киришни рад этишнинг мумкин эмаслиги);

эркаклар ва аёлларнинг тенглиги (ўғил ва киз болаларнинг имкониятлари тенг);

ногирон болаларнинг ривожланаётган қобилиятларини ҳурмат қилиш ва ногирон болаларнинг шахсиятини сақлаб қолиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш (сизнинг қобилиятингизни ҳурмат қилиш ва ўзингиз билан фахрланиш ҳуқуқи).

Кореянинг Инчхон шаҳрида Бутунжаҳон таълим форумида сайёраимиздаги барча шахсларнинг таълими ҳамда зарурий билим ва малакаларни эгаллашларини таъминлашга қаратилган 2030 йилга қадар Ривожланиш Декларацияси ҳамда Глобал режаси қабул қилиниб, уларда таълим шахснинг ривожланиши, ўз-ўзини намоён этиши, жамият ҳаётига уйғунлашуви, ижтимоийлашуви ҳамда шахсий ҳаётида муваффақиятга эришишининг зарурий шarti эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Худди шу йилнинг 29 октябрида Францияда бўлиб ўтган БМТ Саммитида иштирокчи давлатлар кун тартибининг муҳим масаласи сифатида “барча шахсларга мактабгача, бошлангич, ўрта, юқори ва касбий-техник тайёргарлик поғоналарида сифатли таълим олишлари учун инклюзив ва тенг равишдаги шароитларни яратиш”ни расман қабул қилдилар.

Бу таълим тизимлари “Интеграцион” ҳамда “Инклюзив” таълим тизими деб аталди. Мазкур таълим тизимларининг мазмун-моҳияти қандай, улар ўртасидаги фарқлар ва ўхшашлик жihatлари-чи, бу таълим тизимларини қандай қилиб жорий этиш мумкин? Қабилдаги ҳақли саволларга жавоб

топиш учун назарий адабиётларни таҳлил этдик. Аввало, “Интеграция” ва “Инклюзив” сўзларининг изоҳини ўрганиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

“Интеграция” тушунчаси инглиз тилидан олинган бўлиб, integrative-қўшилувчи, бирлашувчи, integration-қўшилиш, бирлашиш-деган маъноларни билдиради. Интеграцион таълимган жаҳон миқёсида турлича ёндашишлар мавжуд. “Интеграцион таълим бу-сегрегацион таълимнинг акси бўлиб, бунда махсус эҳтиёжли болалар умумтаълим муассасалари тизимига киритилади”-деб ёзган соҳа мутахассислари (3,5,6,19).

Туре Йонсан фикрича, кўп ҳолларда инклюзив ва интеграцион тушунчалари бир хил маънода ишлатилади, шунга қарамасдан фалсафада ушбу тушунчалар орасида жуда катта фарқ мавжуд (17). Бу фарқларни қуйидагича ифодалаш мумкин:

-интеграциялашган таълим махсус эҳтиёжли болаларни умумтаълим мактабига қатнаши (яъни диққат марказида айнан мактабга келиб кетиш туради);

-инклюзив таълим: махсус эҳтиёжли болаларни умумтаълим мактабларида самарали таълим-тарбия олиши (яъни барча эътибор таълим сифатига қаратилади).

Бу иккала тушунча ўртасидаги тафовут янада тушунарлироқ баён этилган бўлиб, қуйидагича таъкидланади:

**Интеграциялашган таълимда болага муаммо сифатида қаралади.** Ногиронликнинг индивидуал ёки тиббий кўринишида бола мактабга ёки жамиятга мослашиши учун уни ўзгартириш ёки тиклаш керак, деб тахмин қилинади. Масалан, эшитишида нуқсонли бўлган бола умумтаълим шароитига мослашиши учун эшитув аппаратида фойдаланиб гапиришни ўрганиши керак. Уқитувчи ва меъёрда ривожланишидаги боладан эса имо-ишора тилини ва мулоқотнинг бошқа шаклларини ўрганиш талаб қилинмайди. Уқишда эса муаммо бор. Бола стандарт талабларни бажариши керак. Акс ҳолда иккинчи йилга қолдирилади ёки мактабни тарк этишига тўғри келади.

**Инклюзив таълим болани эмас, таълим мазмунини ўзгартиришни тақозо қилади.** Инклюзив таълимга ногиронликнинг ижтимоий кўринишининг ҳосиласи сифатида қараш мумкин. Ногиронликнинг ижтимоий модели барча болаларнинг индивидуал-психологик, ўзлаштириш хусусиятлари ҳар хиллигини ҳисобга олишни ва мактаб таълимини барча болаларнинг имкониятларига мослаштиришни назарда тутати. Лекин инклюзивлик-ҳамма болани бир хил қилиб қўйиш ёки “ассимиляция” эмас. Унинг моҳияти мослашувчанлик яъни, болаларнинг ҳар хил тезликда таълим олишини ҳисобга олиб ўқитувчидан ушбу жараённи қўллаб-қувватлаши учун билим ва кўникмалар галаб килишдир (8).

“Шуни кайд этиб ўтиш керакки,- деб ёзади Туре Йонсан, - интеграциянинг ёлғиз ўзи мақсад эмас, ногирон болани умумтаълим шароитга жойлаштириш интеграцияга қараб қўйилган биринчи қадамдир. Аммо бу таълим тизими болани ўрганиш орқали аниқланган эҳтиёжларни тўла қондиришни талаб этувчи аниқ ресурслар ва олиб бориладиган ишлардан иборат аниқ режа асосида амалга оширилади. Инклюзив таълим болага унинг имкониятларига қаратилган таълим бўлиб, таълим барча болаларга бир хил берилади, билимларига қўйиладиган талаб ҳар бир боланинг имкониятидан келиб чиқади” (17).

Н.Н.Малофеев, Р.А.Сулейманова ва Г.А.Ҳакимжановалар интеграцияни маҳсус таълимнинг қонуний босқичи эканлигини кайд этадилар (5, 7).

Н.И.Буковцева эса интеграцияни икки тур: ижтимоий ва педагогик интеграцияга ажратишни таклиф қилади (3). Ижтимоий интеграция турида ижтимоий муносабатларни Маҳсус эҳтиёжли болаларнинг таълим тизимига мослаштиришни назарда тутати. Педагогик интеграцияда боланинг қобилиятларини ўқув режага мослаштириш назарда тутилади.

Р.Шомахмудова “Инклюзив таълим (инглиз тилидан олинган бўлиб, inclusive, inclusion зўгунлашмоқ, зўгунлаштириш, қамраб олмақ, қамраб олиш маъноларини билдиради) бу давлат сийёсати бўлиб, ногирон ва маҳсус эҳтиёжли болалар ўргасидаги тўсиқларни бартараф этиш, маҳсус таълимга

мухтож болалар ва ўсмирларни ривожланишидаги нуқсонлар ёки иқтисодий қийинчиликлардан қатъий назар, оиланинг фаол иштирокида, хусусан боланинг эҳтиёжини қондиришга ва ижтимоий ҳаётга мослаштириш ва умумтаълим тизимига тўлиқ қўшишни ифодаловчи таълим тизимидир”, -дея таърифлайди (19). Маълум бўлишича, адабиётларда инклюзив ва интеграция таълимлари тушунчасига ҳам турли хилдаги қарашлар ва фикр-мулоҳазалар баён қилинган. Назарий адабиётлар ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни таҳлил қилиш жараёнида интеграцион ва инклюзивлик турлича таърифларга эга бўлсада, тушунчаларининг ўртасида умумийлик ҳам мавжудлиги аниқланиб, бу умумийлик замирида махсус эҳтиёжли болаларни, пайсалга солмайдиган вазифа сифатида, умумтаълим тизими шароитига киритиш ётади.

С. Стабс турли хилдаги таълим моделларини қуйидаги расмлар ёрдамида тавсифлайди(20).



## Турли хил таълим моделларининг тавсифи

### Махсус таълим

#### *Алоҳида эҳтиёжли бола*

Тўғри тўртбурчакли тешик учун тўғри тўртбурчакли козиқча  
Махсус педагог  
Махсус таълим муассасаси



### Умумтаълим


#### *Меъёрадаги бола*

Думалоқли тешик учун думалоқли козиқ.  
Одатдаги педагог  
Умумтаълим муассасаси

### Интеграциялашган таълим

#### *Боланинг тизим талабига мослашуви*


Тўғри тўртбурчакли козиқчанинг думалоқ козиқчага айланиши



#### *Тизим узгармайди*

Бола тизимга мослашади ёки тизим бола учун тўғри келмайди

### Инклюзив таълим



- Барча болалар ҳар хил (турфалик);
- Барча болалар ўқиши мумкин;
- Турли қобилиятлар, турли этник гуруҳлар, турли ёш, турли келиб чиқиш, жинс мавжуд.
- Тизимнинг бола эҳтиёжларига мослашувчанлиги

Сўнги йилларда таълим соҳасида эришилаётган ижобий натижалардан бири сифатида боланинг ривожланишидаги “ўзгачалик”ни эрта ташхис қилиш, унинг оқибатларини аниқлаш, қайта тиклаш, мазкур тоифага мансуб илк ва эрта ёшдаги болаларга педагогик ёрдам кўрсатиш, шунингдек, мазкур тоифага мансуб болаларни умумтаълим муассасаларига уйғунлаштириш таълимимиз диққат марказида турган энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолаётганини эътироф этишимиз лозим. Зеро, инклюзив таълим ҳар бир боланинг таълим турини танлашида эркинлиги, барча қатори генг равишда


билим олиши, оилада бўлиши, ўз уйи ҳамда маҳалласида камол топиши ҳуқуқларини таъминлашга қаратилгандир. Инклюзив таълим жамиятни инклюзивлаштириш, инсонпарварлаштириш борасидаги илк босқичдир. Бундай таълимни ривожлантириш янги шаклни яратиш ҳисобланмай, балки таълим тизимини режали тарзда сифатли ўзгартиришни назарда тутати. Яъни ушбу таълим алоҳида болани ўзгартириш ёки тузатишни эмас, балки ўқув ҳамда ижтимоий муҳитни шу боланинг имкониятларига мослаштиришни кўзлайдиган таълимдир. Бошқача айтганда, у таълимнинг алоҳида бир шакли бўлмай, ўзининг фалсафаси, мазмуни ва шарт-шароитларининг ҳар бир бола имкониятларига мослашувчанлиги, танлаш имкониятларининг эркинлиги билан тавсифланувчи таълимдир.

Ўқитиш натижаси кўплаб сабабларга боғлиқ бўлиб, аввало, у болага нутқий мулоқотни таъминлаб берадиган ижтимоий муҳит ҳисобланади [75; 80]. Бола умумий ривожланишининг савияси, мактабда муваффақиятли ўқиб кета олиши кўп жиҳатдан унинг таълим-тарбия жараёнидаги фаоллигига, шунингдек, уни ўраб турган инсонлар томонидан қўлланаётган нутқнинг ривожланганлик даражасига боғлиқ саналади. Шу сабабли таълим-тарбия жараёнида ана шундай ривожлантирувчи муҳитни ўз вақтида ташкил этиш гоят муҳим саналади.

Болалар нутқининг ривожланиши масаласига уларнинг тафаккури ҳамда билишга бўлган кизиқиши билан боғлиқ ҳолда қараш лозим. Нутқ ва тафаккурнинг ўзаро боғлиқлиги муаммоси психологик ва педагогик тадқиқотларнинг диққат марказида турган доимий масалалардан бири саналади. Бу борада изланишлар олиб борган тадқиқотчилар тафаккур ва нутқнинг амалий фаолият жараёнида шаклланишини таъкидлаб, тил, кишилар ўртасидаги алоқа воситаси сифатида, ақлий фаолиятнинг алоҳида тури эканлигини кўрсатадилар [48, 119, 43]. Яъни «тушунча сўзларсиз мавжуд бўлолмайди, тушунчалар воситасидаги фикрлаш нутқий фикрлашдан ташқарида мавжуд бўлолмайди» [35: 133].

Нутқнинг юзага келиши ва уни англаб етиш механизмлари бир-бирига тенг бўлмаган жараён бўлиб, бу қондалар мактабгача ёшдаги болалар нутқини ривожлантириш назариясида ўзининг тўлиқ ифодасини топган. Мактабгача ёшдаги болаларда она (рус) тилини ўзлаштиришда нутқий ва аклий жihatларнинг ўзаро алоқаларини урганган Ф.А.Сохин ва А.М.Бородичлар тил ва нутқ ҳодисаларини англаб етиш кўникмаларини шакллантириш зарурлигини каъбий асослаб берган ҳолда, равон нутқ она тилини ўзлаштиришда бола эришган барча ютуқлар (товуш тизими, луғат таркиби, грамматик тузилишини ўзлаштириш)ни ўзида қамраши ҳамда бунда равон ифоданинг тузилиши мақсадли, аввалдан режалаштирилган, ўйлаб қуйилган бўлиши кераклигини таъкидлайдилар [122, 27].

Тил воситасида мантиқий фикрлаш бирданига юзага келмайди. Она тилини ўзлаштиришнинг дастлабки даврларида бола тафаккурининг бошланғич шакллари кўргазмали-амалий ва кўргазмали-образли тафаккур турлари ташкил этиб, кейинчалик улар сўз воситасида мантиқий тафаккур билан ўзаро алоқага киришади. У эса аста-секин лексик, грамматик ва бошқа нутқ воситалари негизида амалга оширилалиган фикрий фаолиятнинг етакчи шаклига айланади ҳамда тилнинг интеллектуал функцияси томон ривожланиб боради. Шу сабабли А.А.Леонтьев: «Бола ўз нутқида катталарнинг нутқини шунчаки қайтариб ёки ундан нусха кўчириб, яъни тил воситасида ифодаланган фикрларни шунчаки генерация қилиб қўя қолмайди. Бола нутқининг ривожланиши бу, энг аввало, ундаги мулоқот усулининг ривожланишидир»,- деб таъкидлайди [70; 312]. А.В.Запорожец ва С.Н.Цейтлин ҳам бу борада олиб борган кузатувлари асосида юқоридаги фикрларни қўллаб-қувватлайдилар [48, 148]. Жумладан, С.Н.Цейтлин ушбу фикрни давом эттирган ҳолда: «тилни ўзлаштириш тил воситалари ва меъёрларини интуитив тарзда англаб етиш асосида катталар нутқи намуналарига шунчаки тақлид қилиш, уларни қайтариб қўя қолиш билан эмас, балки, энг аввало тил умумлашмаларининг ривожлантирилиши ҳамда



тил ҳодисаларининг элементар англаб етилиши билан белгиланади», - деб хулосалайди [148; 21].

Нутқни ривожлантириш тил ва нутқнинг айрим ҳодисаларини энг содда шаклда бўлса-да, англаб етишни ўз ичига олади. Шу сабабли мактабгача ёшдаги болалар нутқий таълим-тарбиясига нисбатан бир пайтнинг ўзида ҳам нутқни ривожлантириш, ҳам она тилини ўқитиш ҳақида суз юритиш лозим.

Муассасада олиб борилувчи таълим жараёни педагог ва тарбияланувчилар ўртасидаги нутқий мулоқотга асосланиши сабабли унинг бош таркибий қисми (компоненти) ни болалар нутқини ривожлантириш ташкил этади [159, 88]. Бола оила ва болалар боғчасида қадам-бақадам атрофдагилар учун тушунарли равишда атрофини ўраб турган предмет ва ён-атрофида содир бўлаётган, шунингдек, ўзи иштирок этаётган воқеа ва ҳодислар ҳақида фикр ҳамда таассуротларини тизимли равишда нутқий таъриф орқали етказиб боришни ўрганиб боради. Шу боис унинг умумий тарбиясида, хусусан, нутқни ривожлантириш борасида педагог ва ота-оналарнинг ўртасида режали равишда олиб борилувчи ҳамкорлик ишларини йўлга қўйиш зарурдир [47; 5].

Демак, болалар нутқини ривожлантириш муаммоси кўплаб тадқиқотчилар томонидан олиб борилган изланишларнинг асосини ташкил қилади. Уларнинг ҳар бири нутқнинг юзага келиши, уни ривожлантириш ва ўргатиш муаммосини ҳал қилишга ўзига хос муносабат билдирган бўлсалар-да, аксариятлари нутқни шакллантириш ҳамда ривожлантиришда тизимли ёндашувнинг, махсус ташкил этилган ишнинг зарурлигини бирдек таъкидлайдилар. Ана шулар асосида қуйидагича хулосалар чиқаришимиз мумкин:

- бола нутқи тил ҳодисаларининг генерацияси бўлиб, катталар нутқини идрок этиш ва ўз нутқининг фаоллиги натижасида ривожланади;

- тил ва нутқ руҳий ривожланишнинг турли йўналишлари (гафаккур, хотира, хис-туйғулар, хаёлот) ядросини ташкил этади;

- она тили ўқитишнинг етакчи йўналишини тил умумлашмалари, тил ва нутқ ходисаларини энг содда тарзда англаб етишни шакллантириш масаласи ташкил қилади;

- боланинг тилни мустақил кузатиш, ўз нутқини ривожлантириши учун шарт-шароитлар махсус равишда ташкил этилувчи тил ходисаларини англашга йўналтирилган тизим орқали таъминланади.

Шундай қилиб, юқорида таҳлил қилинган назарий ва методик адабиётлар, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар асосида махсус эҳтиёжли болалар ҳам жамиятнинг тўлақонли ва тенгҳуқуқли аъзоси эканлиги эътироф этилиб, улар таълимида алоҳида янгича ёндашув майдонган келганлиги маълум бўлди. Урганган меъёрий ҳужжатларда ногиронликнинг олдини олиш, ногиронлиги бўлган шахсларни тиббий, ижтимоий реабилитация қилиш, уларнинг яшаш муҳитини яхшилаш ва соғломлаштириш, эрта ташхисни йўлга қўйиш, таълим-тарбия бериш ва коррекцион педагогик иш олиб бориш, касб-хунарга йўналтириш, ногиронлиги бўлган болаларнинг сифатли таълим олишларига эришиш, инклюзив таълим учун қулай муҳит яратиш, умумтаълим шароитида ишлайдиган мутахассисларни тайёрлаш, мазкур таълим гуруҳини кенг тарғиб қилиш орқали таълим сифатига эришиш масалалари қайд этилган.

## **1.2.Ўзбекистонда инклюзив таълимни жорий этиш борасида амалга оширилаётган ишлар шарҳи**

Республикада инклюзив таълим ғоясининг кириб келишини 1996 йилда халқаро экспертлар иштирокида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган илк анжуман билан, кейинги йилларда олиб борилган амалий тадқиқотларни Халқ таълими вазирлигининг ЮНИСЕФ, Осие таракқиёт банки, Жаҳон банки билан, шунингдек, Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг Европа иттифоқи билан ҳамкорликда олиб борилган турли лойиҳалари боғлашимиз мумкин.

Мазкур лойиҳаларда инклюзив таълимни жорий қилишга эришиш мақсадида унга “кириб бориш”нинг турли шаклларида фойдаланилганини кузатишимиз мумкин:

- алоҳида эътиборга муҳтож болани тўғридан-тўғри умумтаълим муассасасига катнаб таълим олиши;
- мазкур тоифага мансуб болаларнинг “биродарлашган умумтаълим мактаблар”ида маълум бир дарсларда қатнашиши;
- махсус ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг турли маданий-маърифий ва спорт тадбирларида биргаликда иштирок этиши;
- алоҳида ёрдамга муҳтож бўлган болаларнинг умумтаълим мактаблари қошидаги таянч синфларда махсус таълим олиб, муассасада ўтказилувчи маънавий-маърифий тадбирларда барча болалар билан биргаликда иштирок этиши;
- уйда яққа тартибда таълим олувчи ўқувчиларнинг маълум вақтларда синф хонасида таълим олиши ва ҳ.к.

Республикамызда инклюзив таълимнинг турли моделлари асосида амалга оширилган лойиҳалар тахлили бу борада қуйидаги муваффақиятларга эришилганини кўрсатади:

- алоҳида эътиборга муҳтож бўлган болаларнинг ўз оиласида, маҳалласида ривожланиш ҳуқуқлари таъминланди;
- боланинг таълим жараёнида иштирок этиши таъминланди;
- боланинг жамоада бўлиш ҳуқуқи орқали ҳаёгга бўлган кизиқиши ортди;
- болалар ўзларини бошқалар катори эканликларини ҳис эта бошладилар.

Олиб борилган ишларнинг диққатга сазовор бўлган гомони шунда-ки, нафақат алоҳида эътиборга муҳтож бўлган болалар ҳаёти ва онгида, балки улар билан биргаликда таълим-тарбия олаётган тенгдошлари онгида ҳам ижобий ўзгаришлар рўй берди. Яъни соғлом болалар бу болаларга касалмандларга бўлган муносабатда эмас, балки ўзига ҳос ривожланишни бошидан кечираётган дўстларига бўлгандек муносабатда бўла бошладилар.

Бироқ, инклюзив таълим муассасаларидаги ижобий натижаларга қарамай, қатор қийинчиликларга дуч келинди. Инклюзив таълим амалиёти мазкур таълим бирданига муваффақиятга эришиш имкониятига эга бўлмаган, балки, узоқроқ тизимли ўзгаришларни талаб этувчи жараён эканлигини кўрсатмоқда. Энг аввало, бундай таълимни жорий қилиш энг мураккаб саналган ҳозирги таълим тизими раҳбарлари. Уқитувчилари ҳамда атрофдагиларнинг гафаккури ва онги, психологиясида туб бурилиш ясашни тақозо этмоқда. Жамиятда кўп йиллар давомида ривожланишида муаммоси бўлган болалар махсус муассасаларда тарбияланишлари лозим, уларнинг меъёрида ривожланаётган болалар билан биргаликда таълим олишига йўл қўйиш қийин, деган фикр ҳукмронлик қилиб келади. Бу муаммони ҳал қилиш учун ижтимоий фикрни ўзгартириш йўлида узоқ вақт сабр-тоқат билан иш олиб боришга тўғри келади.

Бугунги кунда давлатимиз сиёсати махсус эҳтиёжли болаларга янада самаралироқ таълим-тарбия бериш, уларни ижтимоий жамиятга тенгҳуқуқлилиқ асосида тўлиқ ва эрта мослаштириш масалалари хусусида кенг қўламли ишларини олиб бориш томон қаратилган.

Фикримизнинг далили сифатида эътиборимизни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 декабрида қабул қилинган “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ИҚ-5270-сонли фармониغا қаратсак, ушбу Фармоннинг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазибаларга мувофиқ ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ишларнинг самарали ечимларини назарда тутаётганини кузатамиз. Фармонда аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга, уларни моддий, маънавий, ижтимоий қўллаб-қувватлашга катта эътибор берилган бўлиб, унда ногиронлиги бўлган шахслар ҳаётининг фаровонлашиши учун асос бўлувчи “Ногиронлиги бўлган



шахслар ҳуқуқлари” Қонунини ишлаб чиқиб, қабул қилиш, ҳар бир боланинг соғлиғини тиклаш ва уларни реабилитациялаш мақсадида ёрдамчи тиббий ва техник воситалар билан таъминланиши, таълим муассасаси биносини ногиронлиги бўлган ўқувчилар учун мослашгирилиши, зарурий моддий-техник негизни яратиш, малакали кадрлар билан таъминланиши, ўқув-методик адабиётлар яратиш, инклюзив таълимни ривожлантириш, кенг тарғиб қилиш йўналишларида талайгина ишлар амалга оширилиши белгиланганини кузатамиз.

Ўзбекистон Республикасида ҳар бир боланинг яшаш, ривожланиш, иштирок этиш, ҳимояланишида тенг ҳуқуқлилиги кафолатланиши белгиланган. Жумладан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5270-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сон фармонларида жамиятнинг ажралмас қисми бўлган ногиронлиги бўлган шахсларнинг фаровон яшаши, мазкур тоифа болаларининг тенгдошлари каби бекаму-қўст камол топиши, таълим-тарбияси давлат аҳамиятига эга бўлган вазифа сифатида қаралиб, бу йўналишдаги тадбирлар қўламини янада кенгайтириш, алоҳида эҳтиёжли болаларни умумтаълимга жалб қилиш асосларини педагогика соҳаси мутахассислари томонидан илмий-назарий жиҳатдан асослаш, таълим тизимида фаолият кўрсатаётган раҳбар ва педагог ходимлар жамоасига етказиш, тарғибот ишларини олиб бориш белгиланди.

Турли жабҳаларида ижобий ўзгаришлари билан дунё ҳамжамияти томонидан тобора кенг эътироф этилаётган мамлакатимизда ногиронлиги бўлган болалар таълимига муҳим омил сифатида қаралмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими

тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тугрисида»ги Фармонида ҳам мамлакатимизда умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида инклюзив таълимни ривожлантириш белгилангани фикримизнинг ёрқин далилидир.

Инклюзив таълим ногиронлиги бўлган болаларни оддий болалар билан бир синфда умумтаълим мактабларида биргаликда ўқитишни англатиб, инклюзив таълим ҳар бир боланинг таълим турини танлашида эркинлиги, барча катори тенг равишда билим олиши, оилада бўлиши, ўз уйи ҳамда маҳалласида камол топиши ҳуқуқларини таъминлашга қаратилгандир. У жамиятни инклюзивлаштириш, инсонпарварлаштириш борасидаги илк босқич бўлиб, бундай таълимни ривожлантириш янги шаклни яратиш ҳисобланмай, балки таълим тизимини режали тарзда сифатли ўзгартиришни назарда тутди. Яъни инклюзив таълим алоҳида болани ўзгартириш ёки тузатишни эмас, балки ўқув ҳамда ижтимоий муҳитни шу боланинг имкониятларига мослаштиришни кўзлайдиган таълимдир. Бошқача айтганда, у таълимнинг алоҳида бир шакли бўлмай, ўзининг фалсафаси, мазмуни ва шарт-шароитларининг ҳар бир бола имкониятларига мослашувчанлиги, танлаш имкониятларининг эркинлиги билан тавсифланувчи таълимдир.

Ўзбекистон таълим тизими учун нисбатан янги иш бўлгани бонс, айниқса, инклюзив таълимни жорий этиш даврида: “Оддий мактабда ўқитиш учун ногирон болани қандай тайёрлаш лозим?”, “Бундай болаларни ўқитишда қандай муаммоларга дуч келамиз?”, “Бундай болаларни тарбиялашга тайёрмизми?”, “Кимларга махсус ва кимларга инклюзив таълим керак?”. “Инклюзив таълимнинг афзалликлари қандай?” каби кўплаб саволлар туғилмоқда. Ва, албатта, шу ва шунга ўхшаш саволларга ойдинлик киритиш лозимлиги кўринмоқда.

Заиф эшитувчи болалар ногиронлиги бўлган болалар орасида инклюзив таълимга эрта жалб қилиниши мумкин бўлганлар тартибида пешқадамлик қилувчи болалардир. Уларда инсон учун ўта зарур бўлган анализатор

эшйтиш фаолиятининг тўлик эмас, қисман бузилиши нуткнинг бирмунча шаклланишига имкон беради. Лекин бундай йўл билан нуткни эгаллашнинг ўта чегараланиши тушунча ва тасаввурлар (нуткнинг кейинги идроки ва тушунилиши)да ўзгачаликни юзага келтиради. Заиф эшитувчи боланинг нутқи ривожланмасдангина қолмай, балки бузилгандир ҳам. Масалан, лугат захирасининг камлиги билан бир қаторда сўзларнинг бошқа маънода қўлланиши, грамматик тизимнинг ривожлана олмаслиги билан бир қаторда улар маъноларининг нотўғри тушунилиши кузатилади. Буларнинг барчаси билиш фаолиятига таъсир кўрсатади: таккослаш, таҳлил қилиш, умумлаштириш каби психик жараёнлар заиф эшитувчиларда ўзига хос тарзда намоён бўлади.

Нуткий мулоқот боланинг шахс сифатида ривожланишида ҳал қилувчи ўринни эгаллайди. Заиф эшитувчи бола нуткнинг ўзига хос ривожланиши оддий шароитларда илм асосларини эгаллашига тўсқинлик қилиб, боланинг умумтаълим мактабига келиб, таълим олишида муайян қийинчиликларни юзага келтирмоқда.

Кузатиш ва ўрганишларимиз натижасида заиф эшитувчи болалар инклюзив таълимнинг самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатувчи мавжуд тўсиқларни аниқлаш имконини берди:

- умумтаълим мактабининг стандарти, таълим дастурлари, мазмуни заиф эшитувчи ўқувчиларнинг имкониятлари ва эҳтиёжларига мос келмайди;
- педагог кадрларни тайёрлаш тизимида инклюзив таълим асосларини ўрганишга оид ўқув фани назарда тутилмаслиги боис, умумтаълим мактаблари педагогик жамоалари таълим жараёнида бундай болаларга ёндашиш услубларидан воқиф эмаслар;
- етарли психологик ва педагогик ёрдам кўрсатиш учун касбий билим, кўникма ва малакаларга эга бўлмаган ўқитувчилар психологик ноқулайлик ҳолатига тушиб, интеграция жараёнига тайёр эмасликларини қайд эгадилар:

- умумтаълим мактаблари ўқитувчилари бундай болалар учун таълим жараёнида мослашиш имкониятини таъминловчи овоз кучайтириб берувчи техника ва технологиялардан фойдаланиш йўллари билмайдилар;
- мактаблар педагог жамоаси ногиронлиги бўлган болаларни синфларга қабул қилишда оддий ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари билан психологик жиҳатдан иш олиб бормайдилар;
- умумтаълим мактабларининг ходимлар штатлари жадвалида ногиронлиги бўлган ўқувчилар билан ишловчи қўшимча махсус педагог ва тиббиёт ходимлари бирликлари мавжуд эмас;
- умумтаълим мактабларининг моддий-техник негизи мазкур тоифа болалари эҳтиёжларига жавоб бермайди.

Инклюзив синфда таълим олаётган эшитишида муаммоси бўлган болаларнинг таълими самарадорлигига эришишдаги ўқитувчининг дастлабки қадами ушбу тоифадаги болаларнинг ривожланиш хусусиятларини тушунишдан ҳамда уларнинг махсус таълим эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги муҳим қоидаларни бажаришга тайёр бўлишдан иборат бўлиши лозим:

- боланинг ота-онаси ва сурдопедагог билан ҳамкорликда ишлаш;
- боланинг синфдошлари билан дўстона муносабати, ўзаро ҳамкорлигини рағбатлантириш ҳамда унинг болалар жамоасида тез ва тўлиқ мослашишга кўмаклашиш;
- зарур методик талабларга риоя қилиш (ўқувчининг лабдан ўқиши, нуктни идрок этиши учун қулай партага жойлашиши; атрофдагилар нутқининг равон, адабий тил меъёрларига мос бўлиши; дарснинг барча босқичларида таркатма, дидактик воситаларнинг мавжудлиги; боланинг топшириқлар ва кўрсатмаларни тушунишига назорат қилиш ва б.);
- талабанинг иш жойини эшитиш қобилияти бузилган ҳолда ташкил этиш (унинг ўрнини тайёрлаш, эшитиш аппаратлари/қоклеарногөимплантларнинг хизмат кўрсатиши/иш фаолиятини текшириш; индивидуал дидактик қўлланмаларни текшириш ва х. к.);

эшитиш қобилиятини ҳисобга олган ҳолда ва дарснинг тезлигини кечиктирмасдан ҳиперопекадан қочиш учун махсус усуллар, техникалар ва воситалардан фойдаланган ҳолда, эшигиш қобилиятига эга бўлмаган болани дарсда ўқитишни ўз ичига олади:

дарс жараёнида бир қатор тузатув муаммоларини ҳал қилиш (эшитиш ва визуал эътиборни рағбатлантириш, боланинг нутқ, вазифалар, матнларни тушуниш; нутқ хатоларини тузатиш ва грамматик жиҳатдан тўғри нутқ кўникмаларини мустаҳкамлаш; сўзлашувни кенгайтириш; талабанинг изчил нутқини ривожлантириш; презентатсиялар, диктаторлар, ретеллингларни тузишда ёрдам бериш ва х.к.). Шу муносабат билан давлат ҳокимияти органлари умумтаълим мактабларининг педагог ходимларини махсус тайёрлашни амалга ошириши керак.

Эшитиш қобилиятига эга бўлмаган болаларни ўргатиш учун уларнинг хусусиятларини билиш керак:

эшитиш қобилияти боланинг нутқ ривожланишига бевосита таъсир қилади ва хотира, фикрлаш шаклланишига билвосита таъсир кўрсатади;

болалар нутқ материалларини-сўзлар, жумлалар ва матнларни ёдлаш, сақлаш ва қўпайтиришни қийинлаштиради;

эшитиш қобилиятига эга бўлган болаларнинг фикрлаш хусусиятлари оғзаки нутқни секин ўзлаштириш билан боғлиқ бўлиб, бу оғзаки-манتيқий фикрлашнинг ривожланишида энг аниқ намоён бўлади;

эшитиш қобилияти барча ақлий оператсияларни шакллантиришга таъсир қилади, амалиётда назарий билимлардан фойдаланишда қийинчиликларга олиб келади;

эшитиш қобилиятига эга бўлган болада нутқнинг барча асосий функтсиялари (коммуникатив, умумлаштирувчи, сезгир, назорат қилиш, тартибга солиш) ва тилнинг таркибий қисмлари (сўз бойлиги, грамматик тизим, фонетик таркиб);

бола оғзаки нутқнинг бузилиши асосида ёзма нутқ бузилиши мавжуд бўлиб, у турли дйсграҳес ва дислексиялар шаклида намоён бўлади:

эшитиш қобилияти бошқалар билан мулоқот қилишда қийинчиликларга олиб келади, ахборотни ассимилятсия қилиш жараёнини секинлаштиради, болаларнинг тажрибасини пасайтиради ва уларнинг шахсиятининг шаклланишига таъсир қила олмайди. Эшитиш болалар ижтимоий тажрибанинг катта қисмини ўз-ўзидан урганишади, эшитиш қобилиятига эга болалар бу борада чекланган;

эшитиш қобилиятига эга бўлмаган боланинг шахсияти ва хатти-ҳаракати (масалан, изолятсия, негативизм ва бошқалар) биологик жиҳатдан шартли эмас ва тегишли шарт-шароитларни яратишда улар энг катта даражада тузатилиши мумкин.

Умумтаълим муассасасида ўқитиш жараёнида эшитиш қобилиятига эга бўлмаган болаларни психологик ва педагогик қўллаб-қувватлаш муаммоси муҳим аҳамиятга эга. Бундай қўллаб-қувватлаш бир неча жиҳатларга эга:

- умумий ўрта таълим мактабида эшитиш ноғиронлиги бўлган болаларни психологик-педагогик қўллаб-қувватлаш;
- бу болаларнинг эшитиш қобилиятига эга бўлган болалар билан ўзаро мулоқот қилиш жараёнида оддий эшитиш қобилиятига эга болаларни психологик ва педагогик қўллаб-қувватлаш;
- махсус ва оммавий мактаб ўқитувчиларининг психологик-педагогик қўллаб-қувватлаши;
- умумий ўрта таълим фанлари бўйича оммавий мактабда эшитиш қобилияти бузилган болаларни ўқитиш жараёнида қўллаб-қувватлаш;
- муайян фанлар бўйича эшитиш қобилияти бузилган болаларни қўллаб-қувватлаш (эшитиш инъикосини ривожлантириш, талаффузни шакллантириш);
- оилада қўллаб-қувватлашни ташкил этиш.

## II. ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

### 2.1. Инклюзив таълимни жорий қилишдаги ўзига хослик

Изланишимиз олдида қўйилган мақсадни ҳал қилиш, яъни эндигина қуртак отиб келаётган – инклюзив таълим жараёнининг самарадорлигини таъминлашни назарда тутган ҳолда таълим жараёни иштирокчилари билан сўровнома ўтказдик.

Кузатувчи тажриба-синов ишларимизни А.Авлоний номидаги Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти “Умумий ўрта таълим мактаблари менжерлари” малака ошириш курсининг 40 нафар (2 та гуруҳ) тингловчилари билан олиб бордик.

Сўровнома саволлари тингловчилар раҳбарлик қилаётган таълим муассасасида неча нафар ривожланишида муаммолари бўлган ўқувчиларнинг таълим олаётгани, уларнинг қайси таълим тури билан камраб олингани, инклюзив таълимнинг жорий қилинишида зарур бўлган қонун ҳужжатлари, шунингдек, мавзуга доир тушунчалар, муассасадаги ногиронлиги бўлган ўқувчиларга муносабат, уларни ўқитиш масалалари, юзага келаётган қийинчиқлар юзасидан маълумотларни тўплаш, мавжуд ҳолатни ойдинлантириш мазмунидан иборат этиб белгиланди.

Тингловчиларнинг 45 % (18 нафари) таълим муассасаларида ногиронлиги бўлган ўқувчилар учун уйида яқка тартибда таълим ташкил этилгани, 17,5 % (7 нафар) тингловчилар ўтган ўқув йилида жами 12 нафар ногиронлиги бўлган ўқувчилар синфларда таълим олгани, 5 % (2 нафар) тингловчи таълимга жалб қилинган 3 нафар ўқувчининг ихтисослаштирилган таълим муассасасида ўқиш учун қайтарилганини қайд этдилар.

Тингловчилар билан ўтказилган сўровномалар асосида, шунингдек, қуйидаги ҳолатлар аниқланди:

- 90 % (36 нафари) респондент инклюзив таълимга доир меъёрий ҳужжатлардан хабардор эмаслар;



- тингловчиларнинг 100 % инклюзив ва интеграция таълимининг ўртасидаги фарқни билмайдилар;
- 80% тингловчилар инклюзив таълимнинг ижобий томонини эмас, салбий томони сифатида умумтаълим шароитида улар билан ишлаш ноқулайлигини кўрсатадилар;
- 20 % тингловчилар ўқувчилар устидан бошқалар масхараашларини қайд этадилар;
- 30% тингловчилар фарзандларини умумтаълимга олиб бориш ота-оналарнинг рухиятига салбий таъсир кўрсатишини қайд қиладилар;
- 20 % тингловчилар ота-оналарнинг уялишларини қайд этдилар;
- 10% тингловчилар таълим жараёнига педагогик технологиялар, интерфаол меодларни жорий қилиш зарурати юзага келишини қайд қиладилар;
- 85 % тингловчилар мавзу доирасида ўзлари ва муассаса педагоглари учун ўқувлар ташкил этиш лозимлигини қайд этадилар;
- 15 % иштирокчилар мазкур йўналишдаги ишларнинг муваффақиятли кечиши учун педагоглар жамоаси ўртасида ҳамкорлик ишларини йўлга қўйиш лозимлигини кўрсатадилар;
- 10 % тингловчилар мазкур йўналишда методик воситалар ва техник воситалар зарурлигини кўрсатадилар;
- 45 % (18 нафари) бинонинг мослашуви ва тиббиёт ходимлари ёрдами заруриятини кўрсатиб ўтдилар.
- 80% тингловчилар умумтаълим мактаби ўқитувчисининг бундай ўқувчилар билан умуман ишлай олмаслигини маълум қилдилар.

Ўтказилган суровнома натижалари ва мавжуд амалиётда ўрганилганлар қуйидаги хулосалар учун асос бўлмоқда:

- инклюзив таълимни жорий этиш мураккаб жараён ҳисобланади;
- инклюзив таълимни самарали тадбиқ этиш учун унинг меъёрий-ҳуқуқий негизини ишлаб чиқиш лозим;
- таълимга жалб этилган болаларнинг нутқий воситаларни эгаллашларини асослаб берувчи тизимни ишлаб чиқиш;

- таълим муассасаси биносини ўқувчиларнинг жисмоний эҳтиёжларига мослаштириш талаб этилади;
- ўқитувчилар инклюзив таълим йўналишида тайёргарликдан ўтишлари, уларнинг малакасини ошириш масаласига алоҳида эътибор бериш лозим;
- ислохотларни синфдан, мактабдан бошлаш зарурлиги боис, мактаб маъмурияти ва ўқитувчилар жамоаси ўртасида ўқувлар гашкил этиш лозим;
- таълим-тарбия жараёни ўқувчиларнинг сермазмун ҳаёти билан узвий ҳолда, улар шахсига йўналтирилганлик тамойили асосида ривожланиши лозим;
- инклюзив таълимни амалга ошириш жараёнида кенг қамровли ёндашув асосида фаолият олиб боришга, иштирокчилар сафининг кенгайишига алоҳида эътибор қаратиш керак;
- таълим-тарбия жараёнида ота-оналарнинг иштирокига алоҳида эътибор бериш лозим;
- инклюзив таълимнинг фойдали ва самарали томонлари тўғрисида жамият аъзолари, аҳоли ўртасида тушунтириш-ташвиқот ишларини олиб бориш муҳим;
- барча жабҳа ва босқичда мунтазам мониторинг олиб бориш ва иштирокчилар қўллаб-қувватланиб борилиши зарур.

## **2.2. Инклюзив таълим амалиётида самарадорликка эришиш йўли ва омиллари**

Инклюзив таълимда таълим тизимини алоҳида ёрдамга муҳтож болага мослаштириш марказий ўринни эгаллар экан, аввало, ногиронлик нима эканлиги, унга ёндашиш турларини кўриб чиқиш лозим.

Ногиронликнинг тиббий тавсифи: “Ногирон, деб ҳар кунги меъёрий ҳаракатларни бажариш қобилиятига жиддий ёки узок муддатли салбий таъсир кўрсатувчи, жисмоний камчилик ёки рухий касалликка чалинган шахс ҳисобланади”.

Баъзи одамларни бу тавсиф уз-узидан камраб олади: саратон, склероз, ОИТВ-инфекцияси ёки жиддий нуқсонларга чалинган одамлар. Зўрайдиган ёки қайталанадиган белгилари бўлган одамлар учун махсус ҳолатлар мавжуд.

Ногиронлик – баъзи инсонлардаги узига хослик бўлиб, биз бу ҳақида қанча қўп билсак, алоҳида эътиборга муҳтож шахсларни шунча яхшироқ тушуниб, уларга ёрдам кўрсата оламиз. Барча тиббий ногиронлик ҳам ижтимоий жиҳатдан нофаол, яъни ижтимоий ногирон бўлиб қолавермайди.

Жисмоний (тиббий) жиҳатдан ногиронлиги бўлган инсон уз ҳаёти давомида турли-туман тўсиқларга учрайди.

Тўсиқлар – бошқалар учун шунчаки бўлган нарсаларни табиий ва осон бажара олмаслик. Биз ривожланишдаги баъзи муаммолар натижасида келиб чиқувчи тўсиқларни баён этишга уриниб кўрамиз.

Болалар юра олмасликлари сабабли: мактабга осонликча кира олмайдилар, синфда ҳаракатлана олмайдилар, турли ўйинларда иштирок эта олмайдилар, суҳбатдошлари ва дўстлари кам.

Болалар яхши эшита олмасликлари сабабли: Уқитувчининг айтган сўзларини, топшириқларни тушунмайдилар, саволларга тўлиқ жавоб бера олмайдилар, турли ўйинларда иштирок эта олмайдилар, телефон орқали гаплаша олмайдилар, суҳбатдошлари ва дўстлари кам, бир ўзлари бегона жойда эркин бўла олмайдилар.

Болалар яхши кўра олмасликлари сабабли: Доскада ёзилганларни ўқий олмайдилар ва ёзма топшириқларни тушунмайдилар, дафтарларига кўчириб ёза олмайдилар, синф ва мактабда эркин ҳаракатлана олмайдилар, турли ўйинларда иштирок эта олмайдилар, суҳбатдошлари ва дўстлари кам, бир ўзлари бегона жойда эркин бўла олмайдилар.

Уқувчилар сифатли таълим олиши ҳуқуқига эга бўлиши учун, улар учун махсус таълим шароитлари яратилишини талаб қилинади ва улар ўқишдаги қийинчиликларга эга бўлган шахс махсус таълим эҳтиёжларига (МТЭ) эга бўлган шахс деб таърифланади.

Инклюзив таълимни жорий қилишдаги амалиётдаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун унинг мазмунига оид масалаларни ойдинлаштириш лозим:

1. Инклюзив мактаб педагог ва психологларига қандай талаблар қўйилади?
2. Ресурс марказлари нима?
3. Ресурс ўқитувчи ким?
4. Ота-оналарнинг иштироки қандай?
5. Индивидуал ривожлантириш режа-дастури нима?
6. Синф, ўқитишда нималарга эътибор берилади?

Инклюзив синф ўқитувчилари ривожланишида у ёки бу даражада муаммолари бўлган болалар ривожланиш хусусиятлари ҳақида кенг тушунчага эга бўлишлари, таълим жараёнида интерфаол усулларини қўллай олишлари, ресурс ўқитувчи ҳамда ота-оналар билан мустаҳкам алоқа ўрната олишлари лозим.

Психолог болаларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб индивидуал ва гуруҳларда ишлашни режалаштиради. Психологнинг асосий вазифаси боланинг билиш ва хиссий-иродавий ривожланиши билан боғлиқ режа-дастур бўлимларига жавоб беришдан иборат.

Ресурс марказлари ҳар бир туман халқ таълими бошқармаси таркибидаги бўлим. Бу бўлимнинг фаолияти инклюзив мактаблар фаолиятини мувофиқлаштириш, бошқариш, амалий ва моддий ёрдам кўрсатишдан иборат.

Ресурс тарбиячи ва ўқитувчи бола билан машғулотда ва ундан ташқари жараёнда олганларини мустаҳкамлаш, коррекция ишларини амалга ошириш билан шуғулланувчи махсус дефектологик маълумотга эга сурдопедагог.

Ота-оналарнинг иштироки қандай? Бизнинг моделда ота-оналар нафақат кўмаклашувчи, балки асосий фигура. Улар болани уйда бўлган вақтларида барча фаолиятга жалб этишлари, секин-аста нафақат атрофдагиларнинг, балки барчанинг унинг ривожланишидаги муаммога оддий ҳолдек муносабатда бўлишларига, турфаликларни енгилга олиб келади. Ўқувчи

сифатли таълим олиши ҳуқуқига эга бўлиш учун. махсус таълим шароитлари яратилиши, ўқишдаги қийинчиликларга эга бўлган ўқувчи махсус таълим эҳтиёжларига эга бўлган шахс деб қаралиши муҳим.

### III БОБ. ЗАИФ ЭШИТУВЧИ БОЛАЛАР НУТҚИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МАЗМУНИ, УСУЛЛАРИ ВА ШАРТ- ШАРОИТЛАРИ

#### 3.1. Заиф эшитувчи болаларни инклюзив таълимга жалб этиш методикаси, мақсад ва вазифалари, босқичлари ва тамойиллари

Ушбу бобда таълимий гажриба-синов ўтказиш методикаси, мақсад ва вазифалари, босқичлари ва тамойиллари, инклюзив таълим муассасаларида таълимга жалб этилган заиф эшитувчи болалар сўзлашув нутқини ривожлантиришнинг мазмуни, усуллари ва шарт-шароитлари, ушбу болалар сўзлашув нутқини оила шароитида ривожлантиришда ота-оналар билан ҳамкорликда олиб борилувчи ишларнинг ташкил этилиши ҳақида фикр юритилади.

Замонавий махсус таълимнинг назарий ва методик асосларидан келиб чиқиб, таълимий тажрибамизнинг мақсади ва вазифалари аниқланди. Болаларга педагогик таъсир этиш методлари белгиланди. Коррекцион-ривожлантирувчи ишларнинг мақсади гарбияланувчиларнинг нутқий ва умумий ривожланишини, мулоқотга киришишини назарда тутди. Мазмуни эса жараённинг кенг қамровлигини эътиборга олган ҳолда белгиланди.

Нутқий ривожланишнинг муҳим таркибий қисми сифатида оғзаки нутқни ривожлантириш мақсад қилиб олинди. Нутқни кенг қамровли шакллантиришнинг коррекцион-ривожлантирувчи иш тизимини ишлаб чиқишда педагогик жараённинг барча таркибий қисмлари: вазифа ва мазмуни, дидактик шароит ва воситалари, болаларнинг руҳий ва ўзига хос ривожланиш хусусиятлари назарда тутилди.

Тажриба-синов жараёнида қуйидаги вазифалар

ҳал қилинди:

- махсус индивидуал коррекцион дастур ишлаб чиқилди;
- таълим-тарбия жараёнининг гурли ташкилий шакллари изланди ва синовдан ўтказилди. Предметли-ривожлантирувчи шароитлар ташкил этилди;

- тарбиячилар ва сурдопедагоглар учун замонавий усуллардан фойдаланган ҳолда олиб борилувчи иш шаклларининг мазмуни, улардан фойдаланиш учун тавсиялар ишлаб чиқилди;
- ота-оналарнинг фарзандлари билан олиб борадиган нутқни ривожлантирувчи ишларнинг мазмуни белгиланди.

Таълим-тарбия жараёнида умумпедагогик ва хусусий тамойиллар эътиборга олинди. Яъни нутқни кенг камровли ривожлантириш бўйича олиб борилувчи ишларда куйидаги тамойилларга риоя қилинди:

1. Ҳар бир боланинг нутқини ривожлантиришда, нутқий ривожланишнинг дастлабки даражасини ҳисобга олган ҳолда, табақаланган равишда ва индивидуал ёндашиш тамойили.

2. Ҳар бир бола ривожланишига мос равишдаги ишнинг ташкилий шаклларида фойдаланиш тамойили.

3. Гил ўргатишда тилни мулоқот (коммуникация) қуроли сифатида шакллантириш тамойили.

4. Коммуникатив тизимни амалга оширишда асосий: генетик, фаолият ҳамда структур-семантик тамойилларга таяниш.

5. Нутқни ривожлантириш бўйича машғулотларни ташкил қилишнинг мавзуй тамойили.

6. Нутқни яхлит жараён сифатида шакллантиришда нутқий фаолиятнинг турли кўринишлари (атрофни эшитиш-кўриш ва эшитиш, сўзлаш, ўқиш, ёзиш воситасида идрок эгиш) ни ўзлаштиришни кўзда тутиш.

7. Сўзлашув нутқини ривожлантиришнинг амалий фаолият билан боғлиқлиги тамойили.

8. Сўзлашув мулоқотига эҳтиёжни юзага келтириш тамойили.


Шунингдек, ушбу жараён давомида ижтимоий омиллар роли ҳам алоҳида ҳисобга олинди.

Иزلаниш жараёнида педагог ходимларнинг касбий салоҳиятларини оширишга қаратилган иш шаклларига эътибор берилди, уларга ва ота-



оналарга фарзандлари билан шуғулланишларида тавсия, ёрдам, йўл-йўриқлар кўрсатиш, маслаҳатлар бўйича семинар-тренинглар ўтказилди.

Мактабгача ёшдаги заиф эшитувчи болалар нутқини кенг камровли ривожлантиришга оид махсус ташкил этилган, мақсадга йўналтирилган иш бундай болаларнинг нутқий имкониятлари даражасининг ортишига, болаларнинг мактабда ўқишга тайёргарлигининг яхшиланишига ёрдам беради. Аниқроғи, сурдопедагог ва тарбиячи томонидан пухта ишлаб чиқилган (лойихалаштирилган), мақсади ҳамда иштирокчиларга таъсир кўрсатиш чора-тадбирлари аниқ белгилаб олинган яхлит коррекцион-ривожлантирувчи жараён унинг самарадорлигини белгилайди (3.1.1-расм).



**3.1.1-расм. Заиф эшитувчи болалар нутқини коррекцион-ривожлантирувчи жараён**

Расмдан кўришиб турибдики, таълим муассасаси педагог ходимлари билим, кўнма ва малакаларга, шунингдек, махсус методик воситаларга таянган ҳолда ўз олдиларига нутқни ривожлантиришни назарда тутувчи мақсадни қўядилар ҳамда уни амалга ошириш учун заиф эшитувчи болага махсус ташкил этилган серкирра жараён ҳамда ота-оналар билан ўтказилувчи

турли-туман тадбирлар оркали таъсир чораларини қўлайдилар. Улар асосида кафолатланган натижага – тарбияланувчининг нуткий жиҳатдан ривожланишига эришилади. Бу эса, ўз навбатида, инклюзив таълимнинг муваффақиятига таъсир курсатади.

Нуткни ривожлантиришга қаратилган иш ялпи (фронтал) ва якка (индивидуал) машгулотлардан ташқари кун тартибининг барча таркибий қисмлари давомида олиб борилди.

Педагоглар фаолиятларини урганиш уларнинг заиф эшитувчи болаларга педагогик таъсир кўрсатиш тадбирларидан воқиф эмасликлари, бу ишларни ташкил этишда ўта кийинчиликларга дуч келишлари маълум бўлган эди. Касбий салоҳият даражаси эътиборга лойиқ омил эканлиги сабабли педагоглар учун йўналишлар ҳар бир болага шахсий ривожлантириш дастурининг намуналари ишлаб чиқилди. Ушбу дастурларни ишлаб чиқишда болаларнинг нафақат нуткий жиҳатдан ривожланишлари, балки уларнинг ижтимоий ҳаётга уйғунлашиб кетиш омиллари ҳам назарда тутилди.

Ота-оналарнинг таълим-тарбия жараёнидаги иштирокига ҳам алоҳида аҳамият берилиб, уларнинг уй шароитида фарзандларининг нутқини ривожлантиришни назарда тутувчи иш тизими ишлаб чиқилди ва синовдан ўтказилди. Улар билан ишлашнинг турлича шакллари: маслаҳат-консультациялар (педагогларнинг гуруҳ ва якка тартибдаги маслаҳатлари), аноним мулоқот, маърифий (тренинг, маъруза, давра суҳбатлари, мавзуга оид муҳокамалар) ва амалий тадбирлардан (очик машгулотлар, байрам тадбирлари, болалар билан ҳамкорликдаги фаолият) фойдаланган ҳолда иш олиб борилди. Уларда асосий эътибор уй шароитида болалар билан олиб борилиши лозим бўлган коррекцион-ривожлантирувчи иш тизимининг ёритиб берилишига қаратилди. Худди шу мақсадда ота-оналар учун методик қўлланма яратилди.

Юқорида баён этилган шарт-шароитларнинг мавжудлиги тарбияланувчи нутқининг такомилланишига имкон яратди. Заиф эшитувчи боланинг бундай шароитда иштирок этиши, бир томондан, эҳтиёжларини

қондириши учун имкон берса, иккинчи томондан, кейинчалик юзага келувчи нисбатан кучлироқ талабларини қондириш учун зарур бўлган нутқнинг ривожланишига самарали таъсир кўрсатди.

### **3.2. Таълим муассасаларида мактабгача ёшдаги заиф эшитувчи болалар сўзлашув нутқини ривожлантиришнинг мазмуни, усуллари ва шарт-шароитлари**

Нутқ ҳақидаги маълумотлар асосида ҳар бир боланинг ривожланиш даражасини инобатга олиб, аниқ иш вазифалари белгилаб олинди. Нутқни ривожлантириш бўйича иш мазмуни ўзига хос бўлиб, у боладаги турли кўринишдаги нутқий фаолият (оғзаки нутқни эшитиш ва кўриш орқали идрок этиши, сўзлашув нутқи орқали мулоқот қилиш, глобал (яхлит) ва аналитик ўқиш, ёзиш) ни ўзлаштириш суръатига қараб режалаштирилди.

Бунда қуйидаги асосий масалаларни ҳал қилишни назарда тутдик: тилга лаёқатни ривожлантириш ва нутқий фаолликни шакллантириш; турли мавзулардаги сўз ва ибораларнинг маъноларини ўзлаштириш ва улардан фойдаланишга ўргатиш; ганиш нутқ материални оғзаки шаклда идрок этишга ўргатиш. глобал ўқиш кўникмаларини шакллантириш.

Тарбияланувчилар нутқий қобилиятини ривожлантиришда педагогнинг предметли ва нутқий хатти-ҳаракатларга тақлид қилишга ўргатиш, уларнинг диққатини сўзлаётган шахсларга жалб қилиш, тақлид асосида сўзлаш кўникмаларини шакллантириш кўзда тутилди. Педагог хатти-ҳаракатларига тақлид қилиш йирик ва майда моторикани ривожлантиришга қаратилган «Кўзгу», «Маймунчалар», «Мана шундай бажар» каби ўйинлар жараёнида ўргатиб борилди. Уларда болалар турли-туман ҳаракатлар ва тана ҳолатлари, юз мимикаси ва эмоционал ҳолатни такрорлашга ўргандилар. Шунингдек, болаларга тақлиф этилган расмлар мазмуни билан танишиш жараёнида уларда акс эттирилган қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиш ҳам яхши ёрдам берди. Тақлид қилишга ўргатиш фонетик ритмика жараёнида ҳам амалга оширилди. Артикуляцион моторикани ривожлантириш ва

келажакда таклид асосида сўзлаш кўникмаларини шакллантириш учун замин яратиш мақсадида ўйин шаклида турлича артикуляцияон, товуш ва бўғин бирикмаларини қайта тиклаш машқлари ҳам олиб борилди.

Нуткнинг мотор-ҳаракат асосини яратиш, шунингдек, кейинчалик дактил нутк шаклини узлаштириш мақсадида асосий эътибор майда қўл моторикасига қаратилди.

Нуткни ривожлантиришга оид машғулотларга қўплаб дидактик ўйинлар киритилди. Уларнинг бориши жараёнида болалар сюжетли ва дидактик ўйинчоқлар воситасида турли хатти-ҳаракатларга таклид қилишга, педагогнинг фаолиятини кузатишга, унинг табиий қўл ишоралари ва юз мимикаси билан уйғунлашиб кетган нуткига жавоб беришга ўргандилар.

Нуткни ривожлантиришга оид машғулотлар мавзуй тамойилга риоя қилинган ҳолда ташкил этилди. Маълумки, дастурда берилган мавзулар мазмунининг болалар ҳаётига яқин ва боғлиқлиги («Ўйинчоқлар», «Оила», «Мевалар ва сабзавотлар», «Озиқ-овқатлар», «Кийимлар», «Оёк кийимлар», «Тана аъзолари», «Ҳайвонлар», «Жиҳозлар», «Идиш-товоклар», «Байрам», «Об-ҳаво»), таълим муддатларини, муайян мавсумий давр билан боғлиқ ҳолда йил давомида такрорланиб келади. Теварак-атроф билан танишиш, ўйинлар, тасвирий фаолият жараёнида мана шу мавзулар бирдек эътибор марказида бўлдики, бу нуткий материал мазмуни устида иш олиб боришда пухта кўргазмани асос яратишга имкон берди. Тақдим этилувчи луғат материали турли маънавий вазиятларда, болаларнинг эркин фаолиятида, тарбиячи ва сурдопедагогнинг барча машғулотларида ишлатилди. Муайян мавзу бўйича нуткий материал ҳажмининг унча катта бўлмаслиги эътиборга олиб борилди. Бу материалларнинг болалардан турли фикрий ва нуткий фаолликни талаб қиладиган турли хилдаги ўйинларда, шунингдек, бошқа қатор иш турларида иштирок этишлари жараёнида кўп марта талаб такрорланишига алоҳида эътибор қаратилди. Масалан, «Кийимлар» мавзуси бўйича машғулот ўтказишда ҳар хил кийимларни уларнинг номларини атаган ҳолда кўриб чиқиш, турли кўринишдаги кўйлақлар, шимлар ва ҳ.к. тасвирланган

расмларни танлаш, киркилган расм қисмларини жой-жойига қўйиб чиқиш, кийимларнинг етишмаган қисмларини чизиб тўлдириш, қўғирчоқларни кийинтириш каби усуллардан фойдаланилди. Ана шундай йўллар билан сўз маънолари ва иборалар мазмунини асосли ўзлаштириш учун шарт-шароит яратилди.

Нутқий мулоқотни шакллантириш етакчи масалалардан бири бўлганлиги туфайли, ўрганиш учун тақдим этилган сўзлар, уларнинг маънолари аниқлаштирилганидан сўнг, нутқий мулоқот учун хос бўлган синтагматик алоқалар устида ишлаш мақсадида иборалар таркибига қўшиб борилди. Болалар билан мулоқотда педагоглар ўз нутқларини чекламдилар, ҳатто, энча содда ва кундалик турмушда кўп такрорланадиган ибораларни тушуниш болалар учун кийинчилик тўғдиришини ҳисобга олиб, у ёки бу жихатдан кенг қўлланадиган базавий конструкцияларнинг маъноларини аниқлаштириш ва улар устида ишлашга кўпроқ диққат қаратдилар. Бундай конструкциялар аста-секин мураккабланиш асосида қўлланилди. Аввало, болаларнинг кундалик фаолиятини ташкил қилишга ёрдам берувчи оддий даъват конструкциялари қўлланилди: *Айланишга чиқ(-инг). Ухла(-нг). Қўлингни юв (арт). Қўғирчоқ (машина, шар)ни бер (ол. қўрсат). Кел, уйнаймиз (расм чизамиз, уй ясаймиз).*

Гаълим-тарбия жараёнида мулоқотга оид (коммуникатив) умумлашмаларни тушунишга ўргатиш таниш сўзлар ва иборалар билан катталарга мурожаат қилиш усули орқали амалга оширилди: *Ҳалима она, беринг (қўрсатинг, олинг).*

Иккинчи ярим йилликда нутқ жараёнига жумлаларнинг маъноларини аниқлаштириш ва ўзлаштириш учун таркибида ҳозирги замон феъли бўлган ибора-хабарлар киритиб борилди: *Ана у бола (хола, қиз бола) йиқилиб тушди (ухлаяпти, овқатланыпти, югурыпти, утирибди).* Бундай конструкцияларнинг тушунилишини хатти-харакатни расмда кўрсатиш ва унинг имитацияси (таклиди) ни оғзаки ва ёзма шаклдаги глобал идрок этилаётган ибора билан қиёслаш жараёнида таъминланишига, шунингдек,

фелларнинг лексик маъноларини шакллантириш учун ҳар бир сўз билдирган хатги-ҳаракатнинг турли тасвирлари намойиш этилишига диққат қаратилди.

Нуткий материал – тегишли сўз ва иборалар бир вақтнинг ўзида оғзаки ва ёзма шаклда (табличкаларда) курсатиб борилди. Таълимнинг бу босқичида болаларнинг нутқ бирликларини таклид асосида ўзлаштириб боришларига алоҳида эътибор қаратилди. Заиф эшитувчи болалар учун ёзма нутқ шаклини ўзлаштириш муҳим ҳисоблангани боис глобал ўқиш кўникмаларини шакллантиришга муҳим ўрин ажратилди. Бу иш сўз ва ибораларни таълимий жараёнда ҳам, тарбиявий машғулотлар жараёнида ҳам, шунингдек, кун тарғибининг барча вақти мобайнида ҳам олиб борилди.

Мактабгача ёшдаги заиф эшитувчи болалар нутқини шакллантиришда глобал ўқишга ўргатиш мураккаб масалалардан бири ҳисобланади. Чунки нуткий фаолиятнинг бу тури ихтиёрий фаолиятнинг ташкил этилишини, сўзнинг график образи элементларининг таҳлили ва синтезини кўзда тутди. Шу сабабли глобал (яхлит) ўқишни шакллантириш учун ёзма нутқнинг сенсор асосини ривожлантиришга қаратилган гайёргарликнинг олиб борилиши, кўриш орқали идрок этиш ва диққатни ривожлантиришга оид ўйинлар ҳамда машғулотларнинг ўтказилиши ушбу вазифанинг ечимига қаратилди. Шу мақсадда тасвирларни кузатиб бориш, элементлари алмашиб келадиган намуна бўйича леғодан нақшлар яратиш, манзарали расм устида ишлаш каби иш турларидан фойдаланилди.

Босма сўзлар ва иборалар туширилган кўргазмалардан фойдаланишга қизиқтириш мақсадида «Лото», «Тўғри танла», «Нима ўзгарди?», «Жойини топ», шунингдек, қўғирчоқ ва ўйинчоқ ҳайвонлар билан ўтказилувчи турли дидактик ўйинларга ҳам алоҳида вақт ажратилди.

Мазкур жараёнларда асосий диққат болаларнинг сўзлашув нутқига оид кўникмаларини фаоллаштириш, сўз бойлигини кенгайтириш, тахлийий ўқиш малакаларини ҳосил қилишга қаратилди.

Мулоқотга оид (коммуникатив) фикрнинг асосий кўринишлари даъват, савол ва хабарлардан иборат бўлиб, машғулотлар жараёнида болалар аста-секин «*курсат*», «*олиб қуй*», «*йиғиштириб қуй*», «*қуйиб қуй*» каби феъллар воситасида билдирилган топшириқларни тушуниш ва бажаришга ўргатиб борилди. Дидактик ўйинлар жараёнида ва маиший вазиятларда бу феълларнинг мазмуни ойдинлаштириб борилди. Болаларнинг бир вазият билан боғлиқ даъватлар занжирини тушунишига алоҳида эътибор қаратилди: «*Ликопчани ол. Унга овқат суз. Қўғирчоқни овқатлантир*». Муайян вазиятга қараб қўлланадиган «*Дилбар нима қилаяпти?*», «*Темур қани?*», «*Кимнинг қалами?*», «*Қандай олма?*» каби саволлар аста-секин қўпайтириб борилди. Шунингдек, бирма-бир: «*Исминг нима? Фамилиянг-чи? Онангнинг исми нима?*» каби яхлит саволлар ҳамда хабар-ибораларнинг миқдори ҳам аста-секин билан орттирилди. Машғулотларда тарбияланувчилар ўз дўстлари томонидан бажарилаётган хатти-харакатларни аташга ўргатиб борилди: «*Ситора расм чизяпти*». «*Ақмал уй қуряпти*». Шу билан бирга болалар ўзларига яхши таниш булган ҳолат-харакатлар тасвирланган расмларни кузатишга (*ухлаяпти, овқат еяпти, уйнаяпти, чопаяпти, йиқилди, йиғлаяпти*). тасвирланганларни ҳаракатлар орқали акс эттириш (имитация қилиш) га, уларга мазмунига мос иборалар ёзилган тахтачаларни танлашга ўргатиб борилди. Бундай конструкцияларнинг лўғатга аста-секин киритилиши расм бўйича ишлашга ўтиш, шунингдек, болаларга таниш булган маиший хатти-харакатлар (*ухлаяпти, ювинаяпти, уйнаяпти*) кетма-кетлигини акс эттирувчи расмлар мажмуасидан фойдаланиш имконини берди. Болалар диққати таркибида ўтган замон феъли иштирок этган конструкцияларга ҳам қаратиб борилди: «*Биз уйнадик (расм чиздик, ўқидик)*». Тарбияланувчиларнинг сўз ва ибораларни табличкаларга таянган ҳолда ҳамда тақлид асосида такрорлашларига шароит яратилди.

Сўз бойлигининг мавзуга оид лўғат, кундалик турмушда кўп қўлланувчи сўз ва ибораларни қўллаш (чарчади, эсидан чиқарди, итарди, урди) ҳисобига кенгайтириб борилишига жиддий аҳамият қаратилади. Таниш



мавзуларга оид лугатнинг мустақамланиши билан биргаликда тарбияланувчилар нуткига нуткий материалнинг кенгайиши билан боғлиқ янги мавзуларга оид сўз ва иборалар ҳам киритиб борилди: «*Уи*», «*Хонадон*», «*Транспорт*», «*Касблар*», «*Қизил машина*», «*Шифокор доволайди*», «*Ошпаз овқат пиширади*» (*шифокор, ошпаз*).

Ялпи ва якка машғулотларда, илгари ўзлаштирилган нуткий кўникмаларнинг тез унутилишининг олдини олиш мақсадида, таълимнинг дастлабки босқичида эгалланган лугатнинг муттасил фаоллаштириб борилишига эътибор қаратиб борилди. Лугат янги сўзлар ҳисобига ҳам, таниш сўзларнинг янги шакллари кўллаш ҳисобига ҳам бойитиб борилди. Бунда сўзларнинг мавзулараро алоқалари, антонимик алоқалари (*кийин-ечин. ёқ-ўчир*), конверсияли алоқалари (*ташла – ил, ювинтираяпти – ювинаяпти*) ҳисобга олинди.

Таълимнинг ушбу даври боланинг мактабда муваффақиятли ўқиб кетиши учун замин ҳозирловчи саналгани боис ўқиш техникасини шакллантиришга ҳам катта эътибор қаратилди. Дактилологиядан ёрдамчи восита сифатида фойдаланиш киска муддатларда ўқиш техникасини ўзлаштириш имконини берди. Дактил нутқ шакли болалар маъноларини яхши тушунадиган ҳамда улар томонидан глобал. яхлит идрок этиладиган сўзлар захираси гулланган сайин таҳлилий ўқиш техникасига ўтиб борилди. Бу йўналишдаги ишга эътибор қаратиш болаларнинг дактиллаш техникасини ўзлаштириганларидан сўнг онгли ўқишга ўтишларининг имконини юзага келтирди. Шу сабабли катталар болалар билан мулоқотларида аста-секин дактил белгиларидан фойдаланишни кискартириб бордилар.

Ўқишга ўргатиш ялпи ва якка машғулотларда амалга оширилди. Болалар, педагогга тақлид қилиб, таниш сўз ва ибораларни оғзаки-дактил тарзда ўқишга ўрганиб бордилар. Айни пайтда гарбияланувчилардан унинг оғзаки талаффузи ҳам талаб қилинди. Ўқилган матн қандай тушунилганини текшириш таҳлилий ўқишга ўргатишнинг мажбурий элементи бўлганлиги сабабли болалардан расм чизиш ва амалий фаолиятнинг бошқа турларида



уларни тасвирлаш сўраб борилди. Шунингдек, тасвирланаётган предметлар, хатти-ҳаракатлар сўз ва иборалар орқали баён қилиниши ҳам талаб қилинди.

Турли мавзуларга оид машғулотларда болаларга таниш бўлган сўзларнинг қўллаб-тақдорланиши ҳамда янгиларининг киритилиши ва ўзлаштирилишига алоҳида аҳамият берилди. Феъллар ва сифатлар бошқа туркумдаги сўзларга нисбатан фаолроқ киритиб борилди. Шунингдек, болалар томонидан умумлаштирувчи сўзларнинг маъноларини яхшироқ ўзлаштириб олишлари учун оғзаки нутқда «Ўйинчоқларни олиб кел», «Идишларни йиғиштир (кўрсат)» каби ибораларни қўллаш қўлайтирилди.

Сўзларнинг маъноларини яхшироқ эгалланиши мақсадида тарбияланувчилар нутқига антонимлар (*китобларни очинг – ёпинг, ручкаларни тарқат – йиғиб чиқ*), бутун ва унинг қисмларини билдирувчи сўзлар (*тулкининг боши, танаси, оёқлари, оуми бор*) ҳам аста-секинлик билан киритиб борилди.

Болаларнинг нутқий қўникмаларини фаоллаштириш, мулоқот жараёнида ўзлаштирилган нутқ воситаларидан фойдаланиш мақсадида педагогларнинг болаларнинг сўз воситасида мулоқот қилишга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаб боришлари йўлга қўйилди. Бунга педагогларнинг болаларга нутқий хулқ-атвор намуналарини намойиш қилиш: саломлашиш, хайрлашиш, миннатдорчилик билдириш, болаларга илтимослар ва хабарлар билан мурожаат этишлари орқали эришиб борилди. Болаларнинг «*Неча ёшдасан? Қаерда яшайсан? Оилангизда (уйингизда) кимлар яшайди? Онангнинг исмлари нима?*» каби оғзаки ва ёзма саволларга жавоб бериб боришлари шу мақсадга йўналтирилди.

Машғулотлар, шунингдек, улардан ташқаридаги ишларда саволларни идрок этишга, жавобларда ўзлаштирилган нутқий материалдан фойдалана олиш қўникмаларининг шаклланишига алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда ишнинг яширин (яшириб қўйилган) предмет билан, кейинчалик эса ёпиқ расм билан ишлаш каби усулларидан фойдаланишга ҳам кенг ўрин берилди. Аввало болалар яшириб қўйилган предмет ҳақида сўраб

суриштиришга ўргатилса («У ерда нима бор?», «У қандай?», «У каттами (кичикми)?», «Ранги қанақа?» каби). сўнг катталарнинг парда ортида бажараётган хатти-харакатлари («Улугбек нима қилапти?»), шунингдек, расмлардаги кахрамонлар ҳақида («У ерда ким бор?», «У бола нима қилапти?», «Қайси бола?», «Унинг исми нима?» ва х.к.) сўрашга ўргатиб борилди. Бунга дастлаб болалар табличкаларни ўқиш ва педагогга таклид қилиш орқали жалб қилинди.

Боғланган тасвирий-баёний нутқни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги сабабли таниш предметлар, ҳолат-харакатлар акс эттирилган (сюжетли) расмларга тавсиф бериш, уларга қараб ҳикоя тузиш, дам олиш кунлари, уй ва болалар боғчасидаги байрам ҳақида ҳикоя қилиб бериш каби усуллардан ҳам фойдаланилди.

Нутқни атрофлича ривожлантиришнинг муваффақияти педагог ходимларнинг касбий салоҳиятига боғлиқлиги сабабли ишимизнинг яна бир босқичини педагоглар билан ишлаш ташкил этди. Педагоглар билан ўтказилган сўровномалар муассасаларда сурдопедагог мутахассислигига эга бўлмаган ходимлар иш кўрсатаётганини, шу сабабли уларнинг соҳага оид энг оддий атамаларнинг ҳам маъносини билмасликлари, бу эса ўз навбатида, таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда баъзи муаммолар, тушунмовчиликларни келтириб чиқараётганини аниқлаш имконини берган эди. Таълим-тарбия жараёнининг сифатини таъминлаш мақсадида биз «Махсус таълим атамаларининг изохли луғати»ни яратдик ва педагог ходимларга ҳавола этдик.

Шунингдек, йўналишдаги ишимизнинг мазмунини педагог ходимларга махсус таълим муассасасида машғулот, унга қўйилувчи замонавий талаблар, уларни режалаштириш ва олиб боришга қаратилган масалалар ташкил этди.

Заиф эшитувчи болаларнинг бирламчи ва унинг оқибатида юзага келувчи иккиламчи муаммолари (нутқ ҳамда унинг асосида сўз-манتيкий тафаккурнинг ўзгача ривожланиши ва х.) махсус муассасалар таълим-тарбия жараёни мазмунига, уни ҳал этиш вазифаларига, умумтаълим муассасаларига

нисбатан ўзгача ёндашиш лозимлигини талаб қилади. Шунга қўра болалар томонидан эгалланиши керак бўлган назарий билим ҳамда амалий кўникмаларнинг ўзлаштирилиши таълим-тарбия жараёнининг турли-туман шаклларда амалга ошишини назарда тутати. Ишда педагог ходимлар учун муассасада олиб борилувчи машғулот, унга қўйилаётган замонавий талаблар ҳақида методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

Машғулот – муассасадаги фаолиятнинг асосий шакли бўлиб, у таълим-тарбиянинг вазифалари, мазмуни, низом ва методларини ўзида жамлайди.

Махсус мактаб-интернатлар қошидаги мактабгача таълим гуруҳларида болаларнинг умумий ривожланишини таъминловчи ва коррекцион аҳамиятга эга бўлган ялпи ва яқка машғулотлар олиб борилади. Сурдопедагог томонидан таълимий дастурнинг нутқ ўстириш, эшитиш идрокини ривожлантириш ва талаффуз малакаларини шакллантириш, оддий математик тасавурларни ривожлантириш, тарбиячи томонидан меҳнат, ўйин, яшаш-қуриш, теварак атроф билан таништириш бўлимларига оид, мусика раҳбари томонидан эса мусикавий ритмик машғулотлар олиб борилади.

Заиф эшитувчи болалар таълим-тарбиясининг барча босқичларида гуруҳ аъзолари билан олиб бориладиган ялпи машғулотлар етакчи ўринни эгаллаб, тарбиячи ва сурдопедагоглар томонидан 6-8 нафар боладан иборат гуруҳ билан олиб борилади. Ушбу машғулотларда тарбияланувчилар амалий фаолиятининг ташкил этилиши турли кўникма ва малакаларнинг эгалланишига, янги маълумот олиш ҳамда мавжуд билимларнинг мустаҳкамланишига, меърдан ўзгача бўлган ривожланиш хусусиятларининг коррекция қилинишига қаратилиши лозим.

Машғулотлар мобайнида болаларнинг билиши, диққати ҳамда муқимлилик хусусиятларининг ривожлантирилишига эътибор қаратиш лозим. Таълим жараёнида тарбияланувчилар ўртасидаги ҳамкорлик ишлари ўзаро мулоқот ўрната олишга, шахслараро муносабатларнинг ривожланишига, жамоада ишлаш кўникмаларининг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади. Масалан, ҳамкорликда расм чизиш, яшаш-қуриш ва бошқа

фаолият билан шуғулланиш жараёнида болаларда сузлашув нуткининг табиий шароитга мос ривожланишига эришилади. Шунингдек, уларда дустларига ёрдам бериш, жамоаси учун қайгуриш, масъулият ҳисси қабилар юзага келади. Болаларнинг машгулотларда иштирок этиши мактаб таълимига тайёр бўлишини ҳам таъминлайди.

Дастур бўлимлари бўйича ташкил этилувчи ялпи машгулотларга 35, яқка машгулотларга 15 дақиқа белгиланди. Куннинг биринчи ярмида болаларнинг ишчанлик қобилияти юқори бўлиши сабабли ҳар кунги тарбиявий ва таълимий машгулотлар, асосан, эрталаб амалга оширилиши мақсадга мувофиқ деб топилди. Эрталабки соатларда сурлопедагог иккита, тарбиячи эса битта машгулот ўтказди.

Дастлаб фаол фикрлашни талаб этувчи нутқ ўстириш, эшитиш идрокини ривожлантириш ва талаффуз малакаларини шакллантириш, оддий математик тасавурларни ривожлантириш машгулотларига, сўнгра ҳаракат ҳамда эмоционал фаолликни талаб этувчи ўйин, расм, мусиқа, жисмоний тарбия машгулотларининг ўтказилишига эътибор қаратилди.

Тушликдан сўнг ўтказилувчи машгулотлар энгил даражада бўлишига ҳамда уларни турли ҳаракат юктамаларига кўра тақсимлаб борилишига алоҳида эътибор қаратилди (масалан, расм ва мусиқа машгулоти ва ҳ.).

Педагог ходимларнинг фаолиятлари билан танишиш уларнинг машгулотларнинг таълимий, тарбиявий, коррекцион ва ривожлантирувчи мақсадларини белгилашларида қийинчиликларга дуч келишлари кузатилган эди. Шунга кўра тадқиқотда педагоглар билан маслаҳатлашиб, муаммони ҳал қилишда нималарга эътибор бериш кераклиги, қандай мақсадларни ойдинлаштириш лозимлиги алоҳида таъкидланди:

I. Таълимий мақсад: болаларда таълимий дастур ҳажмидаги назарий билим ва амалий кўникмалар ҳамда нутқий мулоқот кўникмаларини шакллантириш.

II. Тарбиявий мақсад: болаларни миллий истиқлол руҳида тарбиялаш, уларнинг шахсий ва ахлоқий сифатларини шакллантириш, ижтимоий ҳаётда

ўз ўрнини топа олишларига имкон берувчи кўникма ва малакалар билан куроллантириш.

III. Ривожлантирувчи мақсад: эшитишида муаммоси бўлган болаларда нуткий ва ижодий фаолликни, мустақиллик ва эркинликни шакллантириш.

IV. Коррекцион мақсад: эшитишида муаммоси бўлган ҳар бир боланинг бирламчи нуқсони натижасида юзага келувчи иккиламчи нуқсонни ҳисобга олиб, табақаланган ҳолда ёндашган ҳолда уларнинг сифатли таълим олишларини таъминлаш.

Семинар-тренингларда машғулотларга қўйилувчи талаблар атрофлича муҳокама қилинди ҳамда педагогларга тизимлаштирилган ҳолда тақдим этилди.

*Машғулотларга қўйилувчи педагогик талаблар:*

- машғулотнинг вазифалари ҳамда таълим жараёнининг босқичлари дастурий талаблардан, шунингдек, гуруҳ болаларининг умумий ва нуткий ривожланиш даражасидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши;
- тарбияланувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиришга қаратилган иш усуллари, моҳирона ва ўринли фойдаланиш мақсадида, олдиндан лойиҳалаштириб қўйилиши;
- билим, кўникма ва малакаларнинг болалар сузлашув нутқини мулоқот куроли сифатида шакллантириш замирида эгалланишига аҳамият бериш;
- эшитишида муаммоси бўлган болаларнинг ривожланиш хусусиятларидан келиб чиқиб, кўрсатмалилик, кўргазмалилик ва амалий иш жараёнига алоҳида эътибор қаратиш;
- машғулотда нутқнинг қайси шаклидан фойдаланишни аввалдан аниқлаб олиш (бунда қайси нутқ шаклининг етакчилиги босқич талабларидан, шунингдек, гуруҳ болаларининг умумий ва нуткий ривожланишидан келиб чиққан ҳолда белгиланди);
- эшитиш гидрокини ривожлантириш, лабдан ўқиш малакасини

шакллантириш ишларига алоҳида эътибор қаратиш;

- заиф эшитувчи болаларнинг ривожланиш хусусиятидан келиб чиқиб, доскада бажариладиган ишга ажратилган вақтнинг тўғри тақсимланишига эътибор бериш;
- болалар кўриш ўткирлиги пасайишининг олдини олиш мақсадида намоёниш қилинувчи расм ва намуналар ўлчамларининг мос равишда танланишига эътибор қаратиш;
- машғулотда қўлланувчи сўз ва ибораларни табличкаларда кўк рангда, босма ҳарфларда бериш (қизил, оч яшил, пушти ранглар болаларнинг толиқишини келтириб чиқариш билан бирга кўриш ўткирлигининг пасайишига ҳам олиб келиши мумкин) лозим.

*Машғулотларга қўйилувчи психологик талаблар:*

Ҳар бир педагог:

- ўз тарбияланувчиларининг руҳий жараёни ҳақида аниқ маълумотга эга бўлиши;
- болаларга илиқ муносабатда бўлиши;
- тарбияланувчиларни моҳирона қўллаб-қувватлаши;
- улар билан мулоқот ўрната олиш малакасига эга бўлиши талаб этилади.

*Машғулотларга қўйилувчи гигиеник талаблар:*

- машғулот олиб бориладиган хона деворларининг талаб даражасидаги рангларда бўялиши;
- машғулот хонасининг меъёردаги ёруғликка эга бўлиши;
- хонанинг машғулотдан аввал ва машғулотлар орасида шамоллатиб турилиши;
- болалар толиқишининг олдини олиш мақсадида фаолиятнинг турли-туман куринишларидан фойдаланиш;

- дам олиш дақиқаларини ўтказиб туриш;
- машғулотлар ўртасида мажбурий танаффусга риоя қилиш лозим.

*Машғулотларга қўйилувчи ташкилий талаблар:*

- зарурий жиҳоз ва ускуналарнинг, коррекцияни амалга ошириш имконини берувчи асбоб ва техник воситаларнинг машғулотга шайлиги, баъзи носозликларнинг эрта бартараф қилиниши;
- кўргазмали ва дидактик материалларнинг тайёрлиги;
- хона ва ундаги бошқа воситаларнинг машғулотга аввалдан тайёрлаб қўйилиши лозим.

**Нутқ ўстириш бўйича олиб борилувчи ишларни режалаштириш**

Махсус муассасада олиб борилувчи ишларнинг натижаси нутқ билан узвий боғлиқлиги педагогнинг ишни қай даражада режалаштира олиши билан аниқланади. Педагоглар томонидан болалар нутқини ривожлантиришга қаратилган ишларининг режалаштирилишида қатор чалқашликлар юзага келаётгани кузатган эдик. Режалаштириш педагог учун заиф эшитувчи болаларнинг нутқи устида олиб борилувчи ишнинг шакл ва методларини, нутқ материални танлаш низомларини аниқ белгилаб олиш орқали мақсадига эришиш имконини беради. Педагоглар учун ташкил этилган тадбирларда ҳар бир иштирокчига нутқ ривожлантириш бўйича ишни режалаштириш орқали ўзларининг касбий маҳорати, умумривожлантирувчи ва коррекцион-тарбиявий иш вазифаларини тушуниш даражаси, таълим методларидан кенг фойдаланиши ҳамда педагогик жиҳатдан ижодқорлигини намойиш қилишлари етказилди. Режалаштириш сурдопедагог фаолиятини бир маромга келтириш билан биргаликда ўз ишининг натижасини баҳолаш, болаларнинг ривожланиш суръатини бошқариш, ишнинг истиқболини белгилаш имконини ҳам беради. Таълим материаллари яримйиллик, ўқув чораги, ой ва ҳафталарга тақсимланди. Шу сабабли ҳам семинар-тренингларда ҳамда тавсияларимизда педагогларнинг

таълимий дастурнинг тузилиши ва мазмунини чуқур билиши, уларни аниқ режалаштириш малакасининг шаклланишига алоҳида эътибор қаратдик. Тадбирларда педагогларга махсус мактабгача муассасаларда истикболли, кундалик ва яқка машғулотларни режалаштиришга қўйилган талабларни тизимлаштирган ҳолда етказиб бердик.

Сурдопедагог томонидан машғулотнинг ҳар бир босқичи учун ўқув фаолиятининг самарали метод ва шакллارининг танланишига эътибор қаратилди. Шу сабабли фаолиятни режалаштириш, таълимий ва дидактик материаллар ҳамда қўшимча адабиётлардан фойдалана олиш, машғулот жараёнини пухта лойиҳалаштириш малакаларининг шаклланишига алоҳида аҳамият берилди.

Педагоглар жараёнда таълимий дастурдаги ҳар бир бўлимнинг яхлит ўзаро изчиллик ва узвийлик асосида тузилганини ҳисобга олган ҳолда иш кўрдилар. Ишни режалаштиришда тарбияланувчилар нутқий малакаларини шакллантиришга, уларнинг нутқ материаллини тушуниш ва ундан фаол фойдаланишига, муайян нутқий операцияси мустақил босқичлардан иборат бўлган жараён эканлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Сурдопедагогларга машғулотга мўлжалланган режада ўзаро яхлитликни ташкил этувчи таълимий, тарбиявий, коррекцион-ривожлантирувчи вазифалар, дастур бўлимлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, машғулотни олиб бориш мазмуни, шакл ва методлари, болалар фаолиятининг турлари, машқлар ишлаш, урганганларини такрорлаш ва текшириш учун материал ва топшириқларни амалга оширишнинг ташкилий шакллари, кўрсатмали материаллар, ҳар бир болага табақаланган ҳолда ёндашиш турлари, таълимнинг техник воситалари ўз аксини топиши тушунтирилди.

Таълимий-тарбиявий машғулотларнинг методик жиҳатдан етарли даражада ташкил қилинмаслиги туфайли заиф эшитувчи болалар нутқий ҳамда умумий ривожланишининг меъёрдан орқада қолиши кузатилган эди. Шу сабабли ҳам биз жараёнга барча тарбияланувчиларнинг индивидуал ва ўзаро фаоллашувини таъминловчи иш усулларини мужассамловчи янги



Йўналишдаги замонавий машғулотларни олиб кирдик. Бундай машғулотларда заиф эшитувчи боланинг атрофдагилар билан табиий мулоқотга киришиши натижасида унинг нуткий ва рухий жараёнидаги муаммоларнинг бартараф этилишига, ижтимоий малакаларнинг эгалланишига асос солинди.

### Машғулотлардан намуналар

**Гуруҳ:** Тайёрлов гуруҳи

**Машғулот:** Нутқ ўстириш

**Ажратилган вақт:** 35 дақиқа

**мавзуси:**

**Машғулот мавзуси:** Идиш-товуқлар ва кийимлар

**Машғулотнинг мақсади:**

- предметларнинг номларини мустаҳкамлаш;
- предметларни гуруҳлаштиришга оид билимларни мустаҳкамлаш;
- болаларнинг бир-бирлари билан мулоқот ўрната олиш кўникмаларини шакллантириш;
- жамоада биргаликда ишлаш кўникмаларини шакллантириш.

**Жихозлар:** Ҳар бир кичик гуруҳ учун иккитаси елимлаб бирлаштирилган 3 та устунга бўлиб қўйилган А 4 ўлчамли коғоз, 3 туркум предметларига оид жами 12 та расмли табличкалар (идиш-товуқлар (5 та), кийимлар (5 та), жихозлар (2 та); бунда 3 туркумга оид расмлар ҳамма гуруҳ учун айнан бир хил бўлиши шарт эмас), расмларга мос сўзлар номи, 5 см X 5 см ўлчамда қирқиб тайёрланган идиш-товуқлар ва кийимлардан бири чизилган гуруҳдаги болалар сони билан тенг бўлган табличкалар (гуруҳ болаларини икки гуруҳга бўлиш учун), мустаҳкамлаш учун босма ҳарфлардаги сўз ҳамда жумлалар ёзилган табличкалар.

скотч. елим.

**Имконият:** Ушбу машғулот олдин ўтилганларни мустаҳкамлаш ва янги ўтиладиган «Жихозлар» мавзуси учун «кўприк» вазифасини ўтайди.

### **Жараён (машғулотнинг бориши)**

- 1-босқич:** Машғулотга болаларнинг диққати аввалги машғулотда ўтилганларни такрорлашга қаратилган саволга оғзаки жавоб олиш орқали жалб қилинади.
- 2- босқич:** Ҳар бир боладан шакллар тасвирланган ёпиқ табличкалардан биттасини танлаш сўралади.
- 3-босқич:** Болалардан ўринларидан туриб, ўзлари сингари шакл акс эттирилган табличкалари бўлган иштирокчилар билан гуруҳларга бирлашишлари сўралади.
- 4-босқич:** Болалар гуруҳларга бўлингач, ўзлари учун ажратилган давра атрофига ўтирадилар.
- 5- босқич:** Доскага аввалдан уч устунга бўлиб ёзилиб, тайёрланиб қўйилган флипчарт қоғози осилади.
- 6- босқич:** Ҳар бир гуруҳ учун расмлар туплами ва ҳар бир расмнинг номи ёзилган 3 тадан табличкалар: «Идиш-товоклар», «Кийимлар», «Униси ҳам, буниси ҳам эмас» топширилади.
- 7- босқич:** Топширик тушунтирилади: «Берилган расмларни бир-бирига мослигига қараб уч устунга жойлаштириб чиқинг». Гуруҳлар расмларни ажратиб устунларга қўйиб чиқадилар.
- 8-босқич:** Болалар топширикни бажариб бўлишгач, кейинги топширик берилади: «Берилган 3 та табличкалардан устунларни номлашга мосларини танлаб, гепасига ёпиштиринг: «Идиш-товоклар», «Кийимлар», «Униси ҳам, буниси ҳам эмас».

**9- босқич:** Муҳокамадан сўнг ҳар бир устуннинг тагига умумлаштирувчи сўз ёзилган табличкани танлаб, елимлайдилар. Иш учун ажратилган вақт тугагач, тўхтатишни билдирувчи белги (сигнал) берилади.

**10- босқич:** Гуруҳлар тақдироти доска олдида топширикни бажариб бўлганига кўра навбатма-навбат ўтказилади. Тақдирот мобайнида гуруҳлар бир-бирларини назорат қилиб борадилар.

**11- босқич:** Гуруҳлар рағбатлантирилади.

**12- босқич:** Сурдопедагог савол беради: «Учинчи устунни қандай номлаш мумкин?» Болалар муҳокамаси (таклифи) дан сўнг педагог доскага «Жиҳозлар» сўзини ёзиб қўяди.

**13- босқич:** Ҳар бир болага кейинги машғулотгача жиҳозларга оид сўзларни топиб келишлари айтилади.

**Гуруҳ:** Таълимнинг иккинчи йили

**Машғулот:** Нутқ устириш

**Ажратилган вақт:** 35 дақиқа

**Машғулот мавзуси:** Уй ҳайвонлари ва ёввойи ҳайвонлар

**Машғулотнинг мақсади:**

- гарбияланувчиларнинг уй ва ёввойи ҳайвонлар ҳақидаги тушунчалари ҳамда нутқ бойлигини мустаҳкамлаш, кенгайтириш;

- лабдан ўқиш ва эшитиш идрокини ривожлантириш;

- предметларни гуруҳлаштиришга оид билимларни мустаҳкамлаш;

- барча болаларнинг бир-бирларига ўргатишларига ва

бир-бирларидан ўрганишларига эришиш;

- болаларнинг ўзаро мулоқот ўрната олиш кўникмаларини шакллантириш;
- жамоада биргаликда ишлаш кўникмаларини шакллантириш.

**Жихозлар:** Янги ва мустаҳкамлаш учун берилувчи суз ҳамда жумлалар ёзилган табличкалар, маркер ёки фломастер (ҳар бир гуруҳ учун 1 тадан кўк ва 1 тадан қизил), ёзув қоғози (А 4 ўлчамли), флипчарт қоғози, ҳар бир гуруҳга биттадан 3 та устунга бўлиб қўйилган флипчарт қоғозлари, 15 см X 5см ўлчамда қирқиб тайёрланган қуй, ит, айиқ, тулки, ситир сўзлари ёзилган (ёзувлар кенглиги 4-5 см қилиб қоғозлардан кесиб олинган тасмаларга босма ҳарфларда маркер (калин фломастер) ёки фломастерда ёзилиши лозим) гуруҳдаги болалар сони билан тенг бўлган табличкалар, скотч.

#### **Жараён (машғулотнинг бориши)**

**1-босқич:** Машғулотга болаларнинг диққати кўрсатилган 4-5 та расмнинг номини сураш орқали жалб қилинади.

**2- босқич:** Ҳар бир болага танлаш учун ёпиқ ҳолатдаги табличка таклиф этилади. Тарбияланувчилар биттадан табличка оладилар.

**3-босқич:** Болалардан танлаб олган табличкаларини ҳеч кимга кўрсатмасдан ўқишлари ва ўринларидан туриб, табличкадаги ҳайвоннинг товушига таклид қилишлари ҳамда бошқа болаларнинг товушларига диққат билан кулоқ тутиб, ўзига мос шерикларини топиб, гуруҳ ташиқил қилишлари сўралади.

**4-босқич:** Болалар гуруҳларга бўлингач, ўзлари учун ажратилган давра

атрофига ўтирадилар.

**5- босқич:** Ҳар бир гуруҳга болалар учун таниш бўлган уй ва ёввойи ҳайвон номлари аралаш ҳолда берилган сўзли табличкалар тарқатилади ва улардан сўزلарни икки устунга ажрагиб жойлаштириб чиқишлари сўралади.

**6- босқич:** Иш учун ажратилган вақт тугагач, тўхташни билдирувчи белги (сигнал) берилади. Ҳар бир гуруҳга тоза флипчарт коғози тарқатиб чиқилади ҳамда доскага қуйидаги топширик осиб қўйилади ва тушунтирилади:

«Расмлар номини икки устунга қуйидагича жойлаштинг:

«Уй ҳайвонлари», «Ёввойи ҳайвонлар»»

**7-босқич:** Иш учун ажратилган вақт тугагач, тўхташни билдирувчи белги (сигнал) берилади.

**8- босқич:** Гуруҳлар тақдими доска олдида топширикни бажариб бўлганларига кўра навбатма-навбат ўтказилади. Тақдимот мобайнида гуруҳлар бир-бирларини текшириб борадилар.

**9- босқич:** Гуруҳлар рағбатлантирилади.

**10- босқич:** Ҳар бир болага кейинги машғулотга уй ва ёввойи ҳайвонларга оид 4 тадан сўз топиб келишлари сўралади.

**Гуруҳ:** Таълимнинг иккинчи йили

**Машғулот:** Оддий математик тасаввурларни ривожлантириш

**Ажратилган** 35 дақиқа

**вақт:**

**Машғулот** Бир хил шакллар

**мавзуси:**

**Машғулотнинг** • тасвирланган шаклларни номлай олиш ва гуруҳларга

- мақсади:** ажрата олиш малакасини шакллантириш;
- тарбияланувчиларнинг билимларини амалда синаш, бир-бирларига ўргатиш, бир-бирларидан ўрганишларига эришиш;
  - жамоада ўзаро мулоқот ўрната олиш, биргаликда ишлаш кўникмаларини шакллантириш;

**Жихозлар:** Янги ва мустаҳкамлаш учун берилувчи суз ҳамда жумлалар ёзилган табличкалар, маркер ёки фломастер (хар бир гуруҳ учун 1 тадан кўк ва 1 тадан кизил), ёзув коғози (А 4 ўлчамли), топширик ёзилган флипчарт коғози, хар бир гуруҳга биттадан тўртта устунга бўлиб қўйилган флипчарт коғозлари, 5 см X 5 см ўлчамда қирқиб тайёрланган хар бирига учбурчак, тўртбурчак, доира шаклларида бири чизилган гуруҳдаги болалар сони билан тенг булган табличкалар, скотч.

**Имконият:** Ушбу машғулот ўтилганларни мустаҳкамлаш билан бирга муайян кўникмаларнинг малакалар томон силжишини таъминлайди.

### **Жараён (машғулотнинг бориши)**

**1-босқич:** Машғулотга болаларнинг диққати хонада мавжуд тўртбурчак, доира, куб шаклидаги жихозлардан 4-5 тасини номлаб беришларини сўраш орқали жалб қилинади.

**2- босқич:** Хар бир боланинг пешанасига табличкалардан бири ёпиштириб чиқилади. Ушбу жараён мобайнида болалардан имо-ишора қилмасликлари сўралади.

**3-босқич:** Болалар ўринларидан туриб, хонада имо-ишора қилмасдан (новербал ҳолатда) юриб, бир-бирларининг гуруҳларга бирлашишларига ёрдам кўрсатадилар. Жараён тўхтагач, хар

бир иштирокчи пешанасига қандай шакл ёпиштирилганини топиши (ўз гуруҳчасидаги болалар табличқасига эътибор орқали) ва шундан сўнг ўзига ёпиштирилган табличқани олиб кўришига рухсат этилади.

- 4-босқич:** Болалар гуруҳларга бўлингач, биргаликда ўз гуруҳлари номини талаффуз қилишлари сўралади. Шундан кейин ўзлари учун ажратилган давра атрофига ўтирадилар.
- 5- босқич:** Ҳар бир гуруҳга биттадан 3 та устунга бўлиб қўйилган флипчарт қоғозлари ва 15 тадан турли ҳажмдаги геометрик шакллар акс эттирилган табличқалар тарқатилади. Болалар улар билан танишиб чиқадиладар.
- 6- босқич:** Болалардан берилган шакллارни тўрт устунга қуйидаги тарзда жойлаштириш сўралади: «Доиралар» «Учбурчаклар», «Тўртбурчаклар», «Униси ҳам, буниси ҳам эмас».
- 7-босқич:** Гуруҳлар шакллارни номига кўра флипчарт қоғозидаги тегишли устунга ёпиштириб чиқадиладар. Иш учун ажратилган вақт тугагач, тўхташни билдирувчи белги (сигнал) берилади.
- 8- босқич:** Гуруҳлар тақдироти доска олдида топширикни бажариб бўлишга кўра навбатма-навбат ўтказилади. Тақдирот мобайнида гуруҳлар бир-бирларини назорат қилиб борадиладар.
- 9- босқич:** Гуруҳлар рағбатлантирилади. Тарбияланувчиларга кейинги машғулотга турли шаклдаги жиҳозларга мос мисоллар топиб қилишлари топширилади.

### **3.3.Ота-оналар билан ҳамкорликда олиб борилувчи ишларнинг ташкил этилиши**

Таълим-тарбия жараёнида ота-оналарнинг фаол иштирок этиши тарбияланувчилар томонидан нутқни амалий ўзлаштирилиши, атрофдагилар

билан сузлашув нутқи асосидаги муносабатларни урнатиш, ижтимоий куникма ва малакаларни эгаллаш учун қулай шароитни юзага келтиради.

Ота-оналар ҳамда уларнинг фарзандлари тарбиясига бўлган муносабати ҳақида ахборотга эга бўлиш, узаро ҳамкорлик асосида заиф эшитувчи болалар билан олиб борилувчи нутқ устириш ишларини ташкил этиш моделини белгилаш, унда қўлланувчи метод ва шакллари танлаш учун асос бўлиб хизмат килди.

Шу мақсадда ота-оналарнинг фарзандлари билан уй шароитида олиб борилувчи иш тизимини ишлаб чиқдик ва синовдан ўтказдик. Ишлаб чиқилган ушбу тизим «Заиф эшитувчи болаларни мактаб таълимига нутқий жиҳатдан тайёрлаш» методик қўлланмасида ўз аксини топди.

Ота-оналарнинг фарзандлари тарбиясидаги иштирокини фаоллаштириш мақсадидан келиб чиққан ҳолда жараён олдига куйидаги вазифалар қўйилди:

- ота-оналарда заиф эшитувчи болалар таълим-тарбиясининг мақсади ҳақида тўғри тушунча ҳосил қилиш;
- ота-оналарнинг ўз фарзандлари хусусиятлари, имкониятлари ҳамда улар билан олиб борилувчи педагогик жараён йўналишлари ҳақида билимларини кенгайтириш, уларни коррекцион ишларнинг усул ва йўллари билан таништириш;
- уй шароитида олиб борилиши мумкин бўлган машғулотларни ташкил этиш ва ўтказишнинг дастлабки кўникмаларини шакллантириш.

Ҳадикотда ота-оналар билан фарзандларининг келажагини яратишда маъсулиятини англашга қаратилган иш шаклларининг мақсадли олиб борилишига алоҳида эътибор берилди. Яъни тарбия борасида ота-оналарнинг маъсулиятини оширишда қурук маъруза ҳамда оғзаки тавсияларнинг кам самара беришини ҳисобга олиб, ишнинг сертармоқ кўринишларидан кенг фойдаландик (3.3.1-жадвал).

Ота-оналар билан олиб борилувчи ишнинг ташкилий шакллари болаларни тарбиялаш жараёнида катта кучга эга эканлигини намоиш этди. Турли-



туман тадбирларнинг ташкил этилиши ота-оналарнинг нафақат фарзандлари тарбиясидаги масъулиятларининг кучайишига, балки бошқа суёт ота-оналарда ҳам фаолликнинг юзага келишига имкон яратди.

### 3.2.1-жадвал

#### Ота-оналар билан олиб борилувчи иш шакллари

Муддат	Ота-оналар билан олиб борилувчи иш	
	икка тартибда	жамоавий равишда
Хар хафта	Ота-она билан якка-якка суҳбат	
домоний	Мулоқот кутучаси (аноним равишда)	
Хар чоракда	Суровнома	
Талаб асосида	Маслаҳат, вўриқномалар бериш	
Хар чоракда	Ота-оналар мажлиси	
Хар ойда	Ота-оналар университети	
Талаб асосида	Давра суҳбатлари	
Талаб асосида	Ота-оналар турухи учун маслаҳатлар	
байрамларда	Байрам тадбирлари	
Чорак якунида	Очик эшиклар куни	
домоний	Ота-оналар бурчи (деворий ахборот)	
Тавыл даврида	Семинар-тренинглар	
Хар икки ойда	Клиофи лымлар намоёйиши	

«Очик эшиклар куни», турли байрам тадбирларининг асосий мақсади ота-оналарга махсус таълим жараёнида эришилган ютуқларни курсатиш орқали уларни ҳамкорликка жалб қилиш, фарзандларининг уйда бўлган вақтларида уларга эътиборни кучайтириш лозимлиги хақида ўйлаб

қуришига ундади. Уларнинг бундай тадбирларда иштирок этиши фарзандларига бўлган ишонч ва эътиборларининг кучайишига туртки берди.

Шунингдек, куйидаги ишларга ҳам алоҳида аҳамият қаратилди:

- сўровнома, суҳбат, маслаҳатлар уюштирилди;
- ҳар бир гуруҳнинг кираверишидаги бурчагига аноним мулоқот қутиси ўрнатилди;
- ота-оналар кенгаши кумагида ота-оналар учун семинар, тренинглар ташкил этилди;
- хориж киноусталари томонидан ногиронлар ҳақидаги фильмлар намойиш этилди.

Тадбирларда педагогик жамоада фаолият юритаётган илғор сурдопедагог ходимларнинг иш тажрибасига таянилди. Маслаҳатларга муассасанинг гитбиёт ходимлари ҳам жалб қилинди.

Уй шароити бола дугат бойлигининг кенгайиши, сузлашув нутқи, талаффуз ҳамда эшитиш малакаларининг шаклланиши, билим ва тушунчаларнинг ривожланиши учун турли-туман табиий ҳолатларни юзага келтиради. Бу даврга келиб болалар асосан ўйин билан машғул бўлсалар-да, аста-секин улар яратувчиликка йўналтирилган фаолият турларига кизикиб борадилар.

Ота-оналар учун уй шароитида фарзандлари билан олиб боришлари мумкин бўлган режали машғулотлар тизими яратилди ва тақдим этилди (7-10-иловалар). Тавсия эгилган барча машғулотлар соддалаштирилган ҳолда, болаларнинг ривожланиш хусусиятлари ҳамда катталарнинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилди. Шу билан бирга машғулотларнинг боланинг эришган ютуқларига қўра биров соддалаштирилган ёки мураккаблаштирилган ҳолда қўлланишига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, ота-оналар учун уй шароитида фарзандлари билан олиб борадиган машғулотларни ўтказиш бўйича педагогик тавсиялар ишлаб

чикилди. Машгулотлар ўтишдан аввал ушбу тавсияларни инобатга олган ҳолда қуйидаги ишлар амалга оширилди:

1. Ҳар бир ота-онага сурдопедагог билан ҳамкорликда фарзанди учун ривожлантириш ( 6 ой ёки 1 йилга) дастури тузиб чикилди.

2. Ота-оналарнинг ҳар бир машгулотни пухта ўйланган режа асосида олиб бориш (яъни машгулотлар учун умумий дафтар тутиб, унга бажариладиган ишларни ёзиб бориш) ларига эътибор қаратилди.

3. Ҳар бир фаолиятни аввал ота-оналарнинг ўзлари бажариб кўрдилар.

4. Машгулот учун керакли ашё ва қуроллар аввалдан ҳозирлаб қўйилди.

5. Машгулот давомида қўлланилувчи сўз ва жумлалар табличкаларга олдиндан ёзиб тайёрлаб қўйилди (расм дафтарининг варағи кенлиги 4-5 см қилиб кесиб олинади ва ушбу бўлак (табличка)ларга ёзувлар босма ҳарфларда маркер (калин фломастер) ёки фломастерда ёзилди).

6. Ота-оналарга машгулот давомида фарзандларидан айтилганларни такрорлаб боришни сўрашлари ҳамда унинг ҳар бир бажарган ва эришган ютуқларини рағбатлантиришлари тушунтирилди (чунки боланинг ҳар бир бажарган ишига катталар томонидан «Тўғри», «Жуда яхши» баҳосининг бериб борилиши унинг мустақил фаолиятида муҳим аҳамият касб этади ва бошлаган ишини ниҳоясига етказиш ишгиёқини уйғотади).

7. Ота-оналарга фарзандларининг ривожланишида айрим муаммолар борлиги сабабли дастлабки пайтларда қийинчилик сезишлари мумкинлиги, шунга қарамай, шугулланишни давом эттириш лозимлиги, машгулотларга оғринмай, сабр билан ёндашилса, боланинг ривожиди, албатта, ўзгаришлар юз бериши кабилар уқтирилди.

Ота-оналарга оила шароитида ташкил этилувчи машгулотларда асосий эътибор фарзандларининг нутқий, шунингдек, умумий ривожланишига қўйилган талабларнинг ечимига қаратилиши етказилди. Ўтказилувчи ҳар бир машгулотларга таълимий, тарбиявий ва коррекцион-ривожлантирувчи вазибалар қўйилиши, уларнинг узаро боғлиқ ҳолда ҳал этиб борилиши тушунтирилди. Машгулотларнинг бундай ташкил этилиши болаларнинг

нутқий, шунингдек, умумий ривожланиш даражаларининг меъёрга яқинлашувини таъминлаши қайд этилди.

Болаларнинг нутқий жиҳатдан ривожланиши, атроф-олам ҳақидаги тушунчаларининг кенгайиши, атрофдагилар билан нутқий мулоқотга кириша олиш малакаси, руҳий хусусиятларининг ривожланишига эришиш мақсадида машғулотларда бола томонидан яратилган ишланмалар ўйин жараёнига киритилди. Болаларнинг расм чизиш, қуриш-ясаш жараёни маҳсулига эмас, балки ясаган нарсаларидан ўйинларида кенгрок фойдаланишига алоҳида эътибор қаратиш тўғрисида кўрсатмалар берилди. Ишланмаларнинг айнан ўйин жараёнига кенгрок олиб кирилиши бола нутқининг ривожланишига, унинг кейинги машғулотга қизиқиш билан ёндашишига, ҳаётининг такомиллашишига, атроф-олам ҳақидаги тушунчаларининг кенгайишига, шунингдек, шахс сифатида ривожланиб боришига асос бўлди.

Махсус ташкил этилган ўқув ва тренинг машғулотларида сурдопедагог ва тарбиячининг ота-оналар билан ҳамкорликда олиб борилувчи иш йўналишлари белгилаб олинди ҳамда «Мактабгача ёшдаги заиф эшитувчи болалар нутқий ривожланиши асосидаги таълим-тарбия модели» деб номланди (3.3.1-расм). Кўриб турганимиздек, яратилган моделнинг ядросини нутқни ривожлантириш устидаги ишлар ташкил этиб, у таълим-тарбия жараёнининг барча жиҳатларини қамраб олди, яъни бунда сурдопедагог, тарбиячи ҳамда ота-оналарнинг фаол иштироки таъминланди. Ушбу учликнинг ҳамкорликдаги фаолиятигина заиф эшитувчи боланинг ижтимоий ҳаётга уйғунлашувининг омили саналган нутқининг тўлақонли ривожланишини таъминлади.

Тарбиячи ҳамда сурдопедагог томонидан олиб борилувчи коррекцион-компенсатор ва ривожлантирувчи тавсифга эга ишнинг мазмуни, вазифалари белгилаб олинди. 3.3.2-расмда кўриб турганимиздек, сурдопедагог нутқ ривожлантириш асосидаги коррекцион-ривожлантирувчи ишларни ташкил этиш жараёнида лойиҳалаштирувчи сифатида намоён бўлса, 3.3.3-расм тарбиячи ва сурдопедагог томонидан амалга оширилувчи ривожлантирувчи-

коррекцион вазифаларнинг ечими болаларнинг нутқини ривожлантириш ишлари билан бевосита боғлиқлигини кўрсатади.

Таълим муассасаси педагог ходимлари ҳамда ота-оналар учун ўтказилган турли тадбир ва тренинг машғулотларда юқорида келтирилган мазмундаги мавзулар устида иш олиб бориш сурдопедагог ва тарбиячилар касбий саводхонлигининг, ота-оналарда эса фарзандларининг камолига ишончнинг ошишига олиб келди. Яъни барча ўтказилган тадбирлар таълим-тарбиянинг сифат жиҳатдан юқорилашувини таъминлади.

Индивидуал ривожлантирувчи режа-дастур имконияти чекланган тарбияланувчилар фаолиятининг мазмунини ёритишга йўналтирилган хужжат. Бу хужжатда коррекцион-ривожлантирувчи дастурнинг охирида бола ҳолатининг комплекс баҳоси берилади. Индивидуал ривожлантирувчи режани ишлаб чиқишда алоҳида эътиборга муҳтож бола билан индивидуал машғулотларни олиб боровчи - сурдопедагог (дефектолог), психолог, тарбиячи ва ота-оналар бевосита иштирок этади. Мазкур дастурни тузиш ва бажарилишига барча мутахассислар маъсулдир. Индивидуал ривожлантирувчи дастурни тузишда таълим муассасаси раҳбари ҳам иштирок этади. Муассаса раҳбари томонидан гасдиқланади. Шунингдек, индивидуал ривожлантирувчи режа-дастурни бажариш бўйича масъул мутахассис тайинланади. Масъул мутахассис режадаги ҳар бир бўлимнинг ўз вақтида бажарилишини кузатиб бориши ва мутахассислар жамоасининг умумий иш фаолиятини мувофиқлаштириб бориши лозим.

Махсус эҳтиёжли болаларни индивидуал-коррекцион ривожлантириш режа-дастури турли таълим муддатига тузилиши мумкин. Бу муддат боланинг ривожланишида орқада қолганлик даражаси (камчилигини тузилиши)га ҳамда ота-онанинг интилиши ва билим даражасига боғлиқ. Одатда болаларни индивидуал коррекцион-ривожлантириш режа-дастури бўйича ўқитиш муддати ярим йилдан бир йилгача муддатни ташкил қилади. Бироқ ушбу муддат оралиғида заруратга кўра индивидуал ривожлантириш режа-дастурига тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Шу вақтдан эътиборан ушбу дастур боланинг шахсий йиғма жилдида ва коррекцион таълимни олиб бораётган ҳар бир педагогда сақланади. Индивидуал ривожлантириш режа-дастури бола ривожланишининг барча асосий соҳаларини қамраб олиши керак:

- нутқий
- ижтимоий-иқтисодий
- жисмоний ва ўз-ўзига хизмат кўрсатиш
- даволаш ва тиббий реабилитация.

Бунда масъул мутахассис болага коррекцион ёрдам кўрсатилаётган давр мобайнида, бўлиб ўтган барча воқеа ҳодисаларга тавсиф бериб боради, бу вақт давомида индивидуал режага киритилган барча ўзгариш ва қўшимчаларни, уларнинг сабабларини кўрсатган ҳолда ёритиб боради. Бола ҳолатининг қайта баҳолаш жараёнида боланинг ота-онаси, унинг ўзи билан суҳбат ўтказилади, услубчи ва тиббий-педогогик-комиссия мутахассисларининг фикри сўралади. Ниҳоят, дастур мақсадлари қай даражада бажарилганлигини кўрсатувчи баллар кўринишидаги баҳо кўйилади.

Дастурга киритилган барча ўзгариш ва қўшимчалар уларнинг сабабини кўрсатган ҳолда ёзиб борилади. Ўтказилаётган коррекцион босқичларда содир бўлаётган узилишлар саналари ва уларнинг сабаблари кўрсатилади.

Педагог боланинг билими ва фаолият турлари (бу ўринда педагог боланинг сенсор ривожланиши, атроф муҳит ҳақидаги маълумот даражаси, ўйин, меҳнат, тасвирий санат соҳасидаги фаолиятининг ривожланиш даражасини кўрсатиб ўтади, боланинг барча имкониятлари ва эҳтиёжларини қайд этади); ўз-ўзига хизмат кўрсатиш кўникмалари, педагог болани психофизик ривожланишини баҳолаш пайтида ўз-ўзига хизмат кўрсатиш даражасини аниқлайди.

Индивидуал ривожлантирувчи режа-дастур асосида кундалик иш режаси тузилади ва ҳафтада бир марта раҳбар ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Коррекцион ривожлантирувчи вазифалар: камчиликни ўрнини тўлдириш, болани ижтимоий атроф муҳитда мослашувига эришиш.

Таълимий вазифалар: болаларни ижтимоий тажрибаларини ўзлаштиришига ўргатиш, уларни билиш фаоллигини ривожлантириш, ҳар бир боланинг ёшига мос бўлган, болалар фаоллигининг барча турларини шакллантириш.

Тарбиявий вазифалар: боланинг ижтимоийлашувига эришиш, оилада мустақиллигини ошириш, унинг фаолияти ва ҳулқида маънавий-ахлоқий меъзонларини таркиб топтириш, шунингдек ижобий, инсоний фаолиятни тарбиялаш ва ҳоказо.

Индивидуал ривожлантириш режа-дастури коррекцион-ривожлантирувчи таълимни олиб борган мутахассиснинг ҳулосаси билан тугалланади.

Ўрганилган асосида болалар билан кундалик фаолиятларни ривожлантиришда педагоглар жамоаси нимани бажариш, ким уни бажариши керак, қачон уни бажариш керак ва ушбу фаолиятни мунтазам равишда бажариш учун муҳим бўлган омилларни белгиладик:

**Биринчидан:** ҳамкорликдаги таълимни амалга ошириб бориш лозим. Яъни бунда нафақат педагоглар, балки ота-оналар ва албатга, тарбияланувчиларнинг фаолликларига эришиш, уларда шахсий жавобгарлик хиссини ривожлантиришимиз лозим. Барча тарбияланувчилар алоҳида эътиборга муҳтож ўқувчиларга вазифа ва топшириқларни бажаришда ёрдам беришда қатнашишлари лозим. Болалар таълим-тарбия жараёнида фаол қатнашишлари асосида, яъни ҳамкорликка асосланган таълимда аъло даражада ўрганадилар. Шунингдек, фаолиятлар хақиқий ҳаётий мисол ва тажрибаларига асосланганда, аъло даражада ўзлаштирадилар, чунки улар ўз билимларини янада самарали равишда қўллашлари мумкин. Шу боис тарбиячилар машғулотларни режалаштираётганларида бундай услубларга таянишлари лозим.

**Иккинчидан:** Тарбия жараёнини самарали ташкил этишимизда



таълимий материални болалар тушунаётганликларини уни кузатиш муҳим ўрин эгаллаб, келгусида нимани бажариш ва таълимни қандай такомиллаштириш ҳақида фикр юритиш имконияти яратилиб, такомиллаштириш мақсадида режа тузилади.

Ҳамкорликка асосланган гуруҳ иши барча болаларларга уларнинг тушунчаларини ошириш, таълимдан завқ олишни рағбатлантириш ҳамда ишга ва ўзларига нисбатан ижобий муносабатлар орқали ёрдам беради. Бундай таълимда тарбияланувчилар ижобий сўзлашиш ва фаол эшитиш маҳоратларини ривожлантирадилар. Айрим педагоглар ҳақиқий таълим факат сурдопедагог, яъни махсус таълим жараёни орқалигина муваффақиятли кечади, деб ҳисоблайдилар. Аммо барча болалар билан умумий тарзда камол топган заиф эшитувчи болалар ижтимоий ҳаётга ғўсикларсиз уйғунлашиб кета оладилар.

Шундай экан, биз жараёнга ҳамкорликка асосланган таълим услубларини киритишни мақсад қилган ҳолда, тарбиячилар учун мазкур мавзулардаги ўқув семинарларини ташкил этишни йўлга қўйиб боришимиз лозим.

**Учинчидан:** Таълим жараёнига турфаликни киритиб бориш муҳим. Турфалик - бу худди барча болалар бир хил бўлганидай, бутун синфга ўқитишнинг бир хил усулидан кўра маълум бир боланинг ёки болалар кичик гуруҳининг ўрганиш эҳтиёжларига мурожаат қилишдир. Турфалик тарбиячилар ва болалар, материалларни, болаларни гуруҳлашни, ўрганишни баҳолаш усулларини ва машғулот, ўйин хоналарининг бошқа элементларини шахсий ва бутун гуруҳнинг ютуғини қўллаб-қувватловчи турлича усуллардан фойдаланиш мумкин бўлган йўналишларни назарда тутати.

Нимани турфалаш мумкин? Аввало, таълим мазмунини. Мазмун далиллардан, тушунчалардан, умумлаштиришлардан ёки қондалардан, муносабатлардан ва предметга тегишли маҳоратлардан ҳамда ўрганилаётган мавзудан ташкил топади. Мазмун тарбиячи болаларнинг ўрганиши учун нимани режалаштиришини, исталган билимни, тушунчани ва маҳорагларни



ҳақиқатда бола қандай ўрганишини ҳам ўз ичига олади.

Мазмунли ўрганиш борасидаги тарбиячи турлича имкониятларни бериши мумкин бўлган усулларнинг айримлари қуйидагилардир:

-болаларнинг янги математик тушунчаларни ўзлаштиришларига ёрдам бериш учун буюм, предмет ва жисмлардан фойдаланиш;

-матн материаллари билан ишлаётган болаларни қўллаб-қувватлаш ва қийин бажариладиган масалалар учун турлича тарбияланувчиларнинг ҳамкорлиги шароитларидан фойдаланиш;

-қийин ўзлаштириши кузатилган, намоёнига эҳтиёж сезган болаларга метод танлаш ва қайтадан ўқитиш;

-турли даражадаги тарбияланувчиларга асосий тушунчаларни етказиб бериш усуллари сифатида матн, мультимедия воситаларидан фойдаланиш.

Агар болаларга мазмунли бўлган ва қизиқарли таълим дастурларини яратсак, шунда уларни қизиқтира оламиз ва таълим-тарбия жараёنларига қизиқиш билан қатнашадилар. Шунингдек, агар болаларга эътибор берилмай, уларга ғамхўрлик қўсатилмаса, юзага келган қийинчиликлар натижасида таълим жараёнидан четланиб қолишлари мумкин. Айниқса, агар улар уйда етарли даражада ғамхўрлик ёки эътиборга эга бўлмасалар, улар эътиборга муҳтож бўлишлари мумкин.

**Тўғридан:** Мактабгача таълим муассасаси, гуруҳ тарбияланувчилари ўртасида дўстона тарбия муҳити қондаларига амал қилишлари зарур.

Маълум бир ҳулқ-атвор муаммосига сабаб бўлувчи муаммоларнинг юзага келишининг оқидини олиш мақсадида маҳсул қўзатиш ва қайд қилиш маҳоратларига эга бўлиш зарур.

**Бешиқдан:** биз болалар фаол равишда жалб этилишини таъминловчи интерфаол рағбатлантирувчи таълим муҳитини яратишимиз зарур. Бу барча болаларга ҳамкорлик асосида таълим бериш, тарбиячининг ҳар доим ҳам назорат қилувчи шахс эмаслигини бироқ у болалар, ота-оналар ва сурдондагиларни ўз ичига олган муаммони ҳеч қачон ҳамкорлик ва сурдондагиларни ўз ичига олган муаммони ҳеч қачон ҳамкорлик

аъзоси ҳисобланишини англатади.

**Олтинчидан:** Таълим методлари умумтаълим жараён учун ҳам, инклюзив таълим жорий этилган таълим муассасаси учун ҳам умумий ҳисобланади. Бироқ, қўлланилиши жиҳатидан заиф эшитувчи болаларнинг ўзлаштиришлари узига хос бўлганлиги сабабли, таълим методлари ҳам ўзига хос мазмунга эга бўлади. Битта умумий таълим усули бўлмайди. Машгулотлар жараёнида тарбиячи турли таълим методларидан фойдаланади. Таълим методларини танлаш катор омилларга: таълим муассасасининг ҳозирги босқичдаги тараққиёти, ўрганиладиган таълим материалларининг мазмуни, тарбияланувчиларнинг ёши ва уларнинг ривожланиш хусусиятлари ҳамда материални эгаллашга тайёргарлик даражасига боғлиқ бўлади.

Таълим усулларини турфалаш ва уйғунлаштириш орқали заиф эшитувчи боланинг нуқсонини тузатиш томон йўналиб, ўқувчиларни муайян мактаб таълимига тайёрлаш ҳамда ижтимоий ҳаётга мосланувлари вазифаси ўз ечимини топади.

**Еттинчидан:** инклюзив гуруҳларда тарбияланувчиларни рағбатлантиришда қуйидагиларни ёдда тутиш лозим:

*1. Рағбатлантириш шакллантирувчи, яъни боланинг ривожланишини назарда тутган бўлиши керак.* Тарбияланувчининг ўрганиш ва таълимга бўлган иштиёқини рағбатлантириши керак. Эътибор бола нимани бажара олмагани, ёки била олмаслигига эмас, балки унинг нимани билишини топган ҳолда рағбатлантириш лозим.

*2. Рағбатлантириш муваффақиятга қумак бериши керак.* Ҳеч қачон тарбияланувчини бажарилмаган топширик учун койимаслик, сабабини билиб, болага ёрдам бериш, унга ишонч билдирган ҳолда узига ишонч ҳосил қилиш, унинг муваффақиятга эришаётгани – олға ҳаракатини таъкидлаб, мактов билдириб бориш лозим.

*3. Рағбатлантириш "қуруқ" бўлмаслиги керак:* уни тушунтириб, изоҳлаб бериш муҳим. Рағбатлантиришда тарбияланувчига бўлган шахсий муносабат эмас, бажарилган иш, жараёндаги иштирок рағбатлантирилиши лозим.

4. *Тарбияланувчига рағбат, баҳо ишончли бўлиши керак.* Тарбияланувчини ҳар куни рағбат карточкалари ёрдамида баҳолашга имконият бўлмаса, норасмий равишда: “балли”, “қойил”, “Бугун яхши ишладинг”, “жуда тоза ва чиройли ёзилган”, “топширикда иштирок этишнинг ажойиб йўли” ва ҳақозолар деб таъриф бериш орқали рағбатлантириш лозим.

5. *Рағбатлантиришда тарбияланувчиларни қийслаб бўлмайди!* Болаларнинг қобилиятлари турли-туман, мослашиш йўллари, уй вазифасини бажариш шароитлари турлича. Шу боис тарбияланувчиларни узаро қийсламай, балки ҳар бир боланинг кечаги (ўтган чорақдаги, ўтган йилги) ва бугунги кўрсаткичлари (натижалари) ни солиштириш муҳим ҳисобланади.

*Эшитишида муаммоси бўлган болалар билан мулоқотга киришишда*

*эътиборга олиниши лозим бўлган омиллар:*

*Тарбияланувчининг тенг ҳуқуқлигини тан олиш*

Кўпгина ҳолларда ногиронлиги бўлган, хусусан, заиф эшитувчи болаларнинг умумий таълим муассасасига кириб келиши соғлиқ даражасига кўра соғлом бўлган инсонларни шошириб қўйиб, уларда хавотир, кўркуннинг юзага келиши кузатилади. Айниқса, қаршисида юз мускулларини бошқара олмай, инсонлараро мулоқотда зарур бўлган бош ирғаш ёки кўришиш имо-ишораларини бажара олмайдиган болалар церебрал фалажлиги касаллиги билан азият чекувчи шахсни кўрганимизда, нигоҳларимизни бошқа жойга олиб қочиб, ноқулай хис қилинади. Педагоглар жамоаси бу билан унинг ҳаммадан «ўзгачалигини» яна бир бор таъкидлаган бўладилар. Бундай қилиш нотўғри бўлиб, бундай пайтларда таълим жараёни иштирокчилари ўзларини қандай тутишлари лозимлигини билиб олишлари лозим. Шундай ҳолат юз берганда, таълим жараёни иштирокчилар ўзларини ҳамма нарса жойидагидек тутишлари муҳимдир. Бунинг учун ногиронлиги бўлган инсондан чўчимай, у билан фаол мулоқотга киришиш лозим. Мулоқотнинг самарали кечиши учун ногиронлиги бўлган бола билан мулоқотга кириша туриб, нигоҳни

мулоқотда иштирок этаётган ота-она, унинг яқинлари, сурдопедагог ёки етакловчига қаратмай, айнан болага қаратиш муҳимдир.

#### *Эшитишида муаммоси бўлган шахснинг имкониятларидан фойдаланиш*

Тарбияланувчи билан мулоқотга киришиш аввалида ҳар икки томон ноқулай аҳволга тушиб қолишининг олдини олиш чораларини кўрган маъқул. Имконият бўлса, тарбияланувчининг яқинларидан унинг имкониятлари ҳақида тўлиқ маълумот олиш тавсия этилади. Масалан, заиф эшитувчи болага атрофдагиларнинг мурожаатлари қисман тушунарли бўлса-да, уларга жавоб беришда уяладилар. Агар улар билан, худди гўдакларга бўлгани каби, ўта баланд овозда ёки бўгинлаб сўзлаб мурожаат қилсангиз, хафа бўлишлари мумкин. Улар мустақил равишда қандайдир қўникмаларга эга бўлсалар, бу борада уларга ёрдам кўрсатмаслик мумкин.

#### *Заиф эшитувчи болага нисбатан раҳм-шафқат, ачиниш хиссини*

##### *сездирмаслик*

Эшитмайдиган ёки эшитиши пасайган боланинг яқинлари мазкур ҳолатни тан олмай, оддий қабул қилмас эканлар, унинг ҳаёти ўзгармайди. Хаддан зиёд меҳрибонлик ёки қайғу, йиғлашлар эшитишида муаммоси бўлган болани асабийлаштириб, асабининг зуриқишига олиб келиш эҳтимоли юқоридир. Аслида, бу ёш боланинг инсонга организмдаги ўзгаришларга қаршилик кўрсатиши учун матонат зарурдир. Шу боис, уларга атрофдагиларининг ачиниш эмас, балки уларнинг кучларига ҳамда ўз уқдаларидан ўзлари чиқишларига ишончи хисси, вазминлик далда беради. Бола атрофдагилардан бошқачалигини хис қила туриб, организмда юз берган ҳолат, ўзгаришлар билан асабийлашган ҳолда кураша олмайди. Вазминлик ва ишонч заиф эшитувчи болаларнинг ютуқларга эришишлари учун замин бўлиб хизмат қилади. Шу боис, заиф эшитувчи бола тарбияланаётган муҳит шароитида ачиниш каби нигоҳлардан воз кечиш ҳамда уларга жилмайиш ёки илиқ табассум қилиш тавсия этилади.

### *Ногиронлиги бўлган инсонларни қандай номлаймиз*

Инсон шундай хусусиятга эга-ки, қандай камчиликка эга бўлмасин, ўзини ҳамма сингари, ҳамма билан баробар хис этишни истайди. Айниқса, бу ҳолат ногиронлиги бўлган инсонларда сезилади. Шу боис ногиронлиги бўлган инсон билан мулоқотда сўзлардан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш уларнинг каттиқ хафа бўлишларига сабаб бўлиб, кейинчалик сиз билан мулоқотдан бош тортишларига олиб келиши мумкин. Бу сўзлар қайси сўзлар бўлиши мумкин? Ногиронлиги бўлган шахсни “нуксонли”, “норасо”, “ногирон”, “чўлок”, “оксоқ” деб аталса, бундай инсон атрофдагиларда раҳм, ачиниш ҳиссини юзага келтириб, бу шахсларда қўллаб-қувватланиш эмас, балки ноқулайлик, камситилганлик ҳиссини келтириб чиқаради. Шу боис атрофдагилар юқоридаги каби ибораларни ўз нутқларидан чиқариб ташлашлари лозим саналади. Кўпгина ҳолларда бизнинг мулоқот жараёнида қандай сўзлар, иборалардан фойдаланишимиз, бошқа инсонлар ҳақида нима ўйлашимиз, уларга нисбатан муносабатимизни англатади. Афсус-ки, ҳозирги кунга қадар жамиятда “касал - соғлом”, “расо - норасо”, “акли заиф”, “кўр”. “чўлок”, “даун” хунук сўз ва иборалардан фойдаланилмоқда. Шу билан бирга қайд этиш лозим-ки, маданиятли ва маърифатли инсонлар қандай шароитда бўлмасин, юқорида келтирилган номлашлардан фойдаланишда эҳтиёткорлик киладилар.

Ҳозирги кунга қадар республикаимизда мазкур тоифа инсонларни толерант маънода номлаш учун умумий атама танлаб олингани йўқ. Расмий ҳужжатларда улар “имконияти чекланган ўқувчилар”. деб номлансалар, мутахассислар томонидан бу атама шахсни камситишини билдириши сабабли “алоҳида эътиборга муҳтож”, “ёрдамга муҳтож”. “таълимда эътиборга муҳтож” каби турли номлар билан аталмоқдалар.

Ногиронлиги бўлган инсонни ногиронлиги бўлмаган инсон билан қиёслашда  
эътиборга олинishi лозим бўлган ҳолатлар

Стериотип (бир қолипчилик)ни юзага келтирмайдиган сўз ва тушунчалар:	Стериотип (бир қолипчилик)ни юзага келтирувчи сўз ва тушунчалардан оғох бўлинг:
Ногиронлиги бўлган инсон	Имконияти чекланган шахс; касалланд инсон; оксок; камчиликка эга бўлган инсон; ногирон; соғлигида камчилиги бўлган инсон
Ногиронлиги бўлмаган инсон	Нормал/соғлом
Ногиронлик аравачасидан фойдаланувчи инсон; аравачада ҳаракатланувчи инсон; аравачали инсон; аравачали уридикли инсон	Ногиронлик аравачасига миҳланган инсон; фалаж; аравачали ногирон; аравачали фалаж
Болаликдан ногиронлиги бўлган инсон/ туғма ногиронлиги бўлган инсон	Туғма нуқсон/ туғма шикастланган
БЦФ бўлган инсон (болалар церебрал фалажлиги), БЦФли инсон (бола, болалар)	БЦФ билан касалланган; БЦФ
Полиомиелиткасалигини утказган инсон: полиомиелиткасалиги натижасида юзага келган қийинчиликларга эга инсон: полиомиелит асоратида ногиронликка эга бўлган инсон	Полиомиелит касалигидан кейин ногирон бўлиб қолган инсон; оёқлари қийиник инсон; полиомиелит билан касалланган инсон; полиомиелит асоратида ногирон бўлган инсон
Ривожланишида муаммоси бўлган инсон / аклий ривожланишида муаммоси бўлган инсон, ривожланишида муаммоси бўлган шахс	Ақли заиф, ақлий қолоқ, имбецил, дебил, қолоқ, камчилиги бор инсон/ ривожланишида камчилиги бўлган инсон, ақлий оксок, ақли заиф бола
Ногиронлиги бўлган болалар	Ногирон болалар
Таълимда алоҳида эътиборга муҳтож болалар	Ногирон уқувчилар: Расмий қўлланаётган “Имконияти чекланган болалар”
Даун синдромли инсон, Даун синдромига эга бўлган бола, инсон	“Даун”, “монголоид”, “даунча”, эгизаклар касалиги бўлган, Даун касалиги бўлган инсон
Аутизм синдромли шахс,	Аутист;

аутизмли бола (расмий тилда – «аутистик спектрда бузулишлари булган инсон»)	Аутизм касаллиги булган инсон
Эпилепсияли инсон	Эпилептик, тутканоғи бор одам, тутканоғи тутиб турадиган инсон
Рухий ривожланишида муаммоси булган инсон, рухий ёки психик ривожланиши ўзига хос булган инсон	Тентак, акли заиф, рухий касал, рухияти бузилган шахс
Кузи ожиз, кўрмайдиган, заиф кўрувчи, кўриш ногиронлигига эга шахс	кўр. сўкир, басир
Эшитмайдиган, заиф эшитувчи, эшитиш ногиронлигига эга, имо- ишора нуткидан фойдаланувчи шахс, эшитишида муаммоси булган инсон	Кар-соқов, гунг, кар, гаранг
Имо-ишора нуткида сузловчи инсон	Соқов
Имо-ишоралар тили (худди узбек, рус, инглиз, немис ва бошқа тиллар каби)	Имо-ишора нутки (масалан, хорижлик шахс маълум бир тилни билмаганда, таржимон булмаган вазиятда осон имлаш, ишора қилиш орқали «ўйлаб толувчи» усул)
Имо-ишора нутки таржимони	Расмий агама «сурдо таржимон»
Брайл алифбоси	Курлар ёзуви



## ХУЛОСА

Ҳозирги кунда таълим республикамизда таълим муассасалари зиммасига ўз битирувчиларига жадал ривожланиб бораётган давр учун зарур бўлган мустахкам ҳамда тизимли билим асосларини бериш, шунингдек, она Ватанига мухаббат ва содиқлик, дунё халқлари ва элатларига ҳурматда бўлиш каби инсонпарварлик ғояларини мужассамловчи миллий ғоя руҳини сингдириш, ижтимоий ҳаёт учун зарур бўлган кўникма ва малакалар билан қуроллантириш каби муҳим масалаларни ҳал қилиш вазифалари юкланмоқда. Яъни бугунги кунга келиб, мактаб нафақат “билим олиш маскани”, балки “ижтимоий ҳаётга тайёрловчи маскан” эканлиги тобора чуқур анланмоқда. Мазкур фикрлар таълимда алоҳида эътиборга муҳтож бўлган болалар учун ҳам бирдек тааллуқдир.

Сўнги йилларда таълим соҳасида эришилаётган ижобий натижалардан бири сифатида боланинг ривожланишидаги “ўзгачалик”ни эрта ташхис қилиш, унинг оқибатларини аниқлаш, қайта тиклаш, мазкур тоифага мансуб илк ва эрта ёшдаги болаларга педагогик ёрдам кўрсатиш, шунингдек, мазкур тоифага мансуб болаларни умумтаълим муассасаларига уйғунлаштириш таълимимиз диққат марказида турган энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолаётганини эътироф этишимиз лозим. Зеро, инклюзив таълим ҳар бир боланинг таълим турини танлашида эркинлиги, барча қатори тенг равишда билим олиши, оилада бўлиши, ўз уйи ҳамда маҳалласида камол топиши ҳуқуқларини таъминлашга қаратилгандир. Инклюзив таълим жамиятни инклюзивлаштириш, инсонпарварлаштириш борасидаги илк босқичдир. Бундай таълимни ривожлантириш янги шаклни яратиш ҳисобланмай, балки таълим тизимини режали тарзда сифатли ўзгартиришни назарда тутлади. Яъни ушбу таълим алоҳида болани ўзгартириш ёки тузатишни эмас, балки ўқув ҳамда ижтимоий муҳитни шу боланинг имкониятларига мослаштиришни кўзлайдиган таълимдир. Бошқача айтганда, у таълимнинг алоҳида бир шакли бўлмай, ўзининг фалсафаси, мазмуни ва шарт-шароитларининг ҳар бир бола



имкониятларига мослашувчанлиги, танлаш имкониятларининг эркинлиги билан тавсифланувчи таълимдир.

Инклюзив таълим ғояси Ўзбекистонга 1996 йилда кириб келган бўлиб, бир неча йилдан буён республикамизнинг турли ҳудудларида БМТнинг ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО ташкилотлари, Осий тараққиёт банки, Европа иттифоқи билан ҳамкорликда қатор лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда. Ушбу лойиҳалар доирасида республикамизнинг турли ҳудудлари таълим муассасаларида инклюзив таълим борасида олиб борилган ишлар мазкур таълимнинг инсон, хусусан бола ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасидаги афзалликларини намоён этди:

- алоҳида эътиборга муҳтож бўлган болаларнинг ўз оиласида, маҳалласида ривожланиш ҳуқуқлари таъминланди;
- боланинг таълим жараёнида иштирок этиши таъминланди;
- боланинг жамоада бўлиш ҳуқуқи орқали ҳаётга бўлган кизиқиши ортди;
- болалар ўзларини тенгдошлари қатори эканликларини ҳис эта бошладилар.

Ўтказилиб келинаётган лойиҳалар доирасидаги фаолиятнинг диққатга сазовор бўлган томони шунда-ки, улар натижасида нафақат алоҳида эътиборга муҳтож бўлган болалар ҳаёти ва онгида, балки улар билан биргаликда таълим-тарбия олаётган тенгдошлари онгида ҳам ижобий ўзгаришлар рўй берди. Яъни соғлом болалар бу болаларга касалмандларга бўлган муносабатда эмас, балки ўзига хос ривожланишни бошидан кечираётган дўстларига бўлгандек муносабатда бўла бошладилар.

Бирок, инклюзив таълим муассасаларидаги ижобий нагизларга қарамай, қатор қийинчиликларга дуч келинди. Инклюзив таълим амалиёти мазкур таълим бирданига муваффақиятга эришиш имкониятига эга бўлмаган, балки, узокрок тизимли ўзгаришларни талаб этувчи жараён эканлигини кўрсатди. Энг аввало, бундай таълимни жорий қилиш энг мураккаб саналган ҳозирги замон ўқитувчиси ҳамда атрофдагиларнинг тафаккури ва онги, психологиясида туб бурилиш ясашни такозо этмоқда. Жамиятда кўп йиллар давомида ривожланишида муаммоси бўлган болалар махсус муассасаларда

тарбияланишлари лозим, уларнинг меъёрда ривожланаётган болалар билан биргаликда таълим олишига йўл қўйиш кийин, деган фикр ҳукмронлик килиб келади. Бу муаммони ҳал қилиш учун ижтимоий фикрни ўзгартириш йўлида узок вақт сабр-тоқат билан иш олиб боришга тўғри келади.

Шунингдек, олиб борилган ишлар қуйидаги хулосалар учун асос бўлмоқда:

- инклюзив таълимни жорий этиш мураккаб жараён ҳисобланади;
- инклюзив таълимни самарали тадбир этиш учун унинг меъёрий-ҳуқуқий негизини ишлаб чиқиш лозим;
- таълим муассасаси биносини ўқувчиларнинг жисмоний эҳтиёжларига мослаштириш талаб этилади;
- педагог ходимлар инклюзив таълим йўналишида тайёргарликдан ўтишлари, уларнинг малакасини ошириш масаласига алоҳида эътибор бериш лозим;
- ислохотларни гуруҳ, синфдан, таълим муассасасидан бошлаш зарурлиги боис, таълим муассасаси маъмурияти ва педагоглар жамоаси ўртасида ўқувлар ташкил этиш лозим;
- таълим-тарбия жараёни болаларнинг сермазмун ҳаёти билан узвий ҳолда, улар шахсига йўналтирилганлик тамойили асосида ривожланиши лозим;
- инклюзив таълимни амалга ошириш жараёнида кенгкамровли ёндашув асосида фаолият олиб боришга, иштирокчилар сафининг кенгайишига алоҳида эътибор қаратиш керак;
- таълим-тарбия жараёнида ота-оналарнинг ишгирикига алоҳида эътибор бериш лозим;
- инклюзив таълимнинг фойдали ва самарали томонлари тўғрисида жамият аъзолари, аҳоли ўртасида тушунтириш-ташвиқот ишларини олиб бориш муҳим;
- барча жабҳа ва босқичда мунтазам мониторинг олиб бориш ва иштирокчилар қўллаб-қувватланиб бориши зарур.

Бугунги кунда мамлакатимизда инклюзив таълимни жорий қилиш борасида кизгин ишлар олиб борилаётган бир пайтда, педагогик таълим фани ва амалиёти соҳасида қуйидаги муҳим йўналишлар устида иш олиб борилиши муҳим:

- инклюзив таълимнинг илмий-назарий, методологик асосларини яратиш;
- таълим муассасаларининг раҳбар ходимлари учун ўқувлар ташкил этиш;
- педагог ходимлар малакасини оширишнинг самарали шаклларини жорий этиш;
- ҳар бир тарбияланувчи (ўқувчи) учун индивидуал таълим дастурини ишлаб чиқиш бўйича талабларни яратиш ва жорий этиш;
- таълим жараёнига педагогик технологиялар, интерфаол методларни жорий қилиш;
- педагоглар жамоаси ўртасида ҳамкорлик ишларини йўлга қўйиш;
- ота-оналар билан олиб борилувчи ҳамкорлик ишларини такомиллаштириш;
- оммавий-ахборот воситалари, интернет саҳифларида алоҳида ёрдамга муҳтож бўлган болалар ва ўсмирларнинг ижтимоийлашуви, уларнинг таълим муассасаси, спорт ва маданий йўналишларда эришган муваффақиятлари мавзуларида ахборотлар қўламини кенгайтириб бориш каби масалалар борасида тизимли ишларни амалга ошириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Мазкур йўналишларда назария ва амалиётнинг бирлашуви, намоёндаларининг яқдиллиги ўз бағрида барча болаларни мужассамлаган, унда барча болаларнинг ўз имкониятларига мос бўлган дастурлар асосида сифатли таълим олишлари, ўзларини эркин ҳис қилишлари учун шарт-шароитлар мавжуд, ҳамкорлик асосида ташкил этилган таълим масканларининг қўпайишига, республикамизнинг дунё ҳамжамиятида муносиб тарзда ўз ўрнини топишига ҳисса қўшувчи шахсларнинг етишиб чиқишига хизмат қилади.

## ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ

### I. Норматив-хукукий хужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992.
2. Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонуни -Тошкент-1997.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Бола хукуklarининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни. – Тошкент, 2008.
4. Ўзбекистон Республикаси «Ноғиронлар хукукини ижтимоий химоялаш тўғрисида»ги Қонун -1991.
5. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши буйича Ҳаракатлар стратегияси».
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ноғиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. Тошкент ш., 2017 йил 1 декабрь, ПФ-5270-сон.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони. Тошкент ш., 2019 йил 29 апрель, ПФ-5712-сон.
8. Имконияти чекланган болалар ва ўсмирлар учун инклюзив таълим тўғрисида муваққат Низом - ХТВ 234-сонли буйруғи - 2005.
9. “Ақлий ва жисмоний нуқсонли бўлган ўқувчиларни махсус таълим муассасасидан бошқасига ёки инклюзив шароитларида таълим олиш учун умумтаълим муассасасига ўтказиш тўғрисида”ги Низом. Халқ таълими вазирлиги. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 2685-рақамли хужжати. 2015 йил 17 июнь.
10. БМТ нинг “Инсон хукуklари умумжаҳон Декларацияси”. 1948.
11. БМТнинг Бола хукуklари тўғрисида Конвенцияси. 1989.
12. БМТнинг “Ноғирон шахслар хукуklари” тўғрисидаги Конвенцияси. 2006.
13. “Таълим ҳамма учун” Дастурининг Миллий режаси-Тошкент-“Арнаприпт” -2003.
14. “Дакарские рамки действий”- Франция- БМТ. “ЮНЕСКО”-2000

15.Образование 2030. Инчхонская декларация и рамочная программа действий./ ООН. ЮНЕСКО. Инчхон. 2015.

16.Переосмысливая образование. Образование как всеобщее благо?/ ООН. ЮНЕСКО. 2015.

## **II.Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:**

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.

2.Мирзиёев Ш.М. Танкидий тахлил, катъий тартиб – интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил яқунлари ва 2017 йил истикболларига бағишланган мажлисдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январ, № 11.

3.Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз -Т.:“Ўзбекистон”, 2016.

4.Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз - Т.: “Ўзбекистон”. 2017.

## **III. Махсус адабиётлар:**

1.Авлоний, Абдулла. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992.

2.Ахмедова Д.И. и др. Анализ социальной защищенности детей с особыми потребностями в Республике Узбекистан. – Ташкент: Фан АН РУз., 2007.

3.Буковцова Н.И. Инклюзивное образование детей с ограниченными возможностями здоровья: проблемы и перспективы // Инклюзивное образование: методология, практика, технологии. PsyJournals.ru 2000.

4.Выготский Л.С. Вопросы дефектологии. М.: Владос, 1999.

5.Сулейманова Р.А., Хакимжанова Г.А. Зарубежный и отечественный опыт включения детей с особыми нуждами в общеобразовательный процесс: проблемы и пути решения. – Алматы: КАПринг, 2001.

6. Малофеев Н.Н. "Развитие системы специального образования в России в условиях переходных процессов общества"-Москва-1996.
7. Малофеев Н.Н. Почему интеграция в образовании закономерна и неизбежна // Альманах ИКИП РАО, 2007. №11.
8. "Мактабларни олкишлаб - инклюзив мактаблардаги ногирон укучилар"- ЮНЕСКО - Тошкент – 1999.
9. Мусурмонова О. Оила маънавияти – миллий гурур. – Тошкент: Ўқитувчи, 1999. – 200 б.
10. Муминова Л.Р., Назарова Д.А. Махсус таълим атамаларининг изоҳли луҳати. Тошкент, 2011.
11. Назарова Д.А. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси алоҳида ёрдамга муҳтож бола сифатли таълимнинг кафолатидир // Конституция Республикаси Ўзбекистан: образование и воспитание молодежи. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. 2014
12. Назарова Д.А. Малака ошириш курслари жараёнида халқ таълими ходимларини инклюзив таълимга самарали тайёрлаш// "Ижтимоий инклюзия: болалар ижтимоийлашувидаги янги йўналишлар" мавзусидаги Халқаро конференция материаллари /2-қисм /2017
13. Назарова Д.А. Инклюзив таълимнинг самарадорлигига эришиш йўллари. // "Bola va zamon" . 2017. 1-сон.
14. Назарова Д.А. Инклюзив таълим жараёни иштирокчиларининг ҳамкорлиги муаммолари ва уларнинг ечимлари. // "Дефектологиянинг долзарб масалалари". Республика илмий-амалий анжумани материаллари. 2017
15. Назарова Д.А. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари педагог ходимлари малакасини ошириш тизимида мослашувчан муҳитни яратиш.// "Замонавий узлуксиз таълим муаммолари: инновация ва истиқболлари" Халқаро конференцияси материаллари. 2018.

16. Рагнер Ф.Л., Юсупова А.Ю. Интегрированное обучение детей с ограниченными возможностями в обществе здоровых детей. – М.: Владос, 2006.

17. Туре Йонсан “Инклюзив таълим”-Тошкент-ЮНЕСКО-2003.

18. Шарипова Д.Д. Имконияти чекланган хотин-кизлар ва ёшларни ҳуқуқий билимларини ошириш йўллари. // Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш – давлат сиёсатининг устувор йўналиши (семинар-тренинг натижалари) – Тошкент, 2008. – Б. 33-36.

19. Шомахмудова Р. Махсус ва инклюзив таълим. – Тошкент, 2012.

20. 2002. Sue Stubbs. Inclusive Education Where There are few resources

#### **IV. Электрон таълим ресурслари:**

1. [www. ziyonet. uz](http://www.ziyonet.uz)

2. [www. edu.uz](http://www.edu.uz)

3. [http:// www.defektologi.ru](http://www.defektologi.ru)

4. <http://www.deafnet.ru>

5. [http:// surdopedagogika.com](http://surdopedagogika.com)

## МУНДАРИЖА

КИРИШ .....	3
<b>I БОБ. ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ВА МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ</b>	
1.1.Инклюзив таълим сиёсатининг жаҳон микёсида ҳуқуқий- меъёрий, назарий ва амалий жиҳатдан асосланиши.....	5
1.2.Ўзбекистонда инклюзив таълимни жорий этиш борасида 19 амалга оширилаётган ишлар шарҳи.....	
<b>II БОБ. ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ</b>	
2.1.Инклюзив таълимни жорий қилишдаги ўзига хослик .....	28
2.2.Инклюзив таълим амалиётида самарадорликка эришиш йўл ва омиллари.....	30
<b>3 - БОБ. ЗАИФ ЭШИТУВЧИ БОЛАЛАРНИ ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМГА ЖАРАЁНИДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МАЗМУНИ, УСУЛЛАРИ ВА ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ</b>	
3.1.Заиф эшитувчи болаларни инклюзив таълимга жалб этиш 33 методикаси, мақсад ва вазифалари, босқичлари ва тамойиллари...	
3.2.Таълим муассасаларида мактабгача ёшдаги заиф эшитувчи 38 болалар сўзлашув нутқини ривожлантиришнинг мазмуни, усуллари ва шарт-шароитлари.....	
3.3.Ота-оналар билан ҳамкорликда олиб борилувчи ишларнинг 58 ташқил эгилиши.....	
ХУЛОСА .....	75
ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	83





**НАЗАРОВА ДИЛДОРА**

**ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА  
ЗАИФ ЭШИТУВЧИ БОЛАЛАР ТАЪЛИМ-  
ТАРБИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

«COMPLEX PRINT» нашриёти, 2020

Мухаррир: А. Рахимов

Босишга рухсат берилди: 20.01.2020 Буюртма № 68.  
Формат 60x86/16. Ҳажми 4,88 ш.б.т. Адади 200 нусха



Нашр. лиц. Аi №004, 20.07.2018 й.  
«Complex Print» нашриёти, Тошкент ш., А.Навоий куч., 24.  
Тел.: +998 71 244 40 89

«Complex Print» босмахонасида чоп этилди.  
Лицензия № 10-3606, 10.12.2016 й.  
Тошкент ш., А.Навоий куч., 24.  
Тел.: +998 71 244 40 89